ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ТЕМИР ЙЎЛЛАР. ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, БАЖАРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

ҚМҚ 3.06.01-96

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ 1999

УДК 69 + 625.1.002(083.75)

ҚМҚ 3.06.01-96 «Темир йўллар. Ишларни ташкил қилиш, бажариш ва қабул қилиш» ЎзР Давархитектқурилишқўм - Т., 1999, 101 бет.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН: «Гипротранс» лойиҳа-кидирув институти (Мавзу раҳбари И.Д.Ан, масъул ижрочи Л.И.Шиндина) томонидан.

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Ф.Бакирхонов, В.Э.Сташис (Давархитектқурилишқўм), И.Д.Ан, В.П.Энс, Л.И.Шиндина («Гипротранс» институти)

КИРИТИЛГАН: «Ўзбектрансқурилиш» транспорт қурилиш корхоналари давлат уюшмаси томонидан

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН: Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўм лойиҳа ишлари Бошқармаси (Д.А.Ахмедов) томонидан

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу қурилиш меъёрлари ва қоидалари кучга кириши муносабати билан СНиП !II-38-75 «Железные дороги. Правила производства и приемка работ» ўз кучини йўқотади.

Давлат тилига таржима ф.ф.н. Холиқова М.И. («АҚАТМ» АТМ) томонидан бажарилган.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг рухсатисиз тўлиқ ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши ва расмий нашр сифатида тарқатилиши мумкин эмас

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 3.06.01-96
	Темир йўллар. Ишларни ташкил қилиш, бажариш ва қабул қилиш	СНиП III-38-75 ўрнига

1 УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1 Изи 1520 (1524) мм бўлган темир йўлларнинг шоҳ йўлларини (ташқи ва ички), умумий тармоқнинг изи 1520 мм бўлган фойдаланилаётган темир йўлларни қайта қуришда (кучайтиришда) ва янгиларини қуришда, ишлаб чиқаришда ва ишларни қабул қилишда ушбу меъёрларга ва қоидаларга риоя қилиниши керак.

1.2 Темир йўлларни қуришда йўлдан вақтинчалик фойдаланиш ва қурилиш юклари ташилаётган поездларнинг ишчи ҳаракати учун янгидан ётқизилган рельсли йўлнинг алоҳида қисмларидан босқичма-босқич фойдаланиш кўзда тутилиши керак.

1.3 Қурилаётган темир йўл мажмуига кирувчи ерости йўлларини, кўприкларни, бекатларни, шаҳобчаларни ва бошқа йирик иншоотларни қуриш бўйича ишлар суръати бўйича поездлар ҳаракатини очиш ва йўлни балластирлаш, ётқизишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадларида темир йўл қурилиши бўйича ишлар билан мувофиқлаштирилиши керак.

1.4 Моддий-техникавий таъминлаш ва тўлдириш муваққат муассасалари, шунингдек қисмларни йиғиш муассасалари, одатда, қурилаётган темир йўлнинг амалдаги алоқа йўлларига туташган жойларда барпо этилиши керак.

Мураккаб йўл шароитлари мавжудлигида омбор майдонларини йўлнинг олис қисмларида ташкил қилишга руҳсат берилади.

«Ўзбектрансқурилиш» Давлат уюшмаси томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1996 йил 27 августдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган	Ишга тушириш вақти 1999 йил 1 январдан

Расмий нашр

Муассаса ва омборларнинг жойлашган ери, қуввати ва сони техникавий-иқтисодий ҳисоблар билан асосланган бўлиши керак.

1.5 Қурилиш эҳтиёжлари учун моддий омборлар йиғма қисмларга ажратиладиган ёки блокли ижрода қурилиши керак ва юклаш-бўшатиш ишларини бажариш учун мажмуавий механизациялаш воситалари билан жиҳозланиши керак.

1.6 Бориш қийин бўлган жойларда темир йўл қурилишида қурилиш омборларидаги материаллар заҳираси уларни етказиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда (мавсумийлик, алоқа йўлларининг мавжудлиги ва ҳ.к.) аниқланиши керак.

1.7 Бинолар ва иншоотлар қурилиши муддатлари поездларнинг ишчи ҳаракатининг очилиш, темир йўлнинг вақтинча ва доимий ишга солиш муддатларига боғлиқ тарзда белгиланади.

1.8 Қурилиш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган доимий биноларнинг амалдаги темир йўлларга туташган жойларида қуришни тайёргарлик даврида бошлаш керак.

1.9 Дарёлар ўзанларини ва кириш ҳамда чиқиш қисмларидаги сув оқимларини мустаҳкамлаш бўйича новлар, тезоқарлар ва бошқа қурилмаларни қуриш кўприклар ва қувурларни қуриш бўйича ишлар тамомланиши билан бир вақтда тугатилиши керак.

Кичик кўприклар остида ва сувўтказгич қувурлар олдидаги ўзанларни мустаҳкамлаш энг яқин тошқинни ўтказишгача тугатилиши керак.

1.10 Тоғ йўлларида темир йўл изини жала оқимларидан, кўчишлар ва ўпирилишлардан тўсувчи жала туширгичларни, силсилаларни ва бошқа ҳимоялаш иншоотларини қуриш мос равишда темир йўл қисмининг вақтинчалик фойдаланишга топширишигача тўсувчи деворлар, ҳандақлар ва бошқа тўхтатиб турадиган иншоот-

ларни қуриш поездларнинг ишчи ҳаракати бошлангунча тугатилиши керак.

Ҳимоя иншоотларини қуриш бўйича ишларни бажаришда қурилиш юклари билан ҳаракатланаётган поездларнинг ҳавфсизлиги махсус мосламалар (ёғоч тўсиқлар, соябонлар ва б.) ёрдамида таъминланиши керак.

1.11 Иншоотларни музлашлардан ҳимоялаш бўйича лойиҳада кўзда тутилган тадбирлар ушбу иншоотларни қуриш бошлангунча амалга оширилиши керак.

1.12 Бажарилган ишларни қабул қилишда қурилиш учун вақтинчалик ажратилган ерларни тиклаш сифатини, ҳимоя чегарасининг ҳолатини, кесилган қолдиқлардан тозалаш сифатини ва табиий муҳитни асраш билан боғлиқ бошқа тадбирларнинг бажарилишини текшириш зарур.

2 ТАЙЁРГАРЛИК ДАВРИНИНГ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ

2.1 Тайёргарлик даврида буюртмачи темир йўл қуриш учун геодезик режаланган асосни тузишга, унга ва жойларда боғланган манзилларга ва ушбу асоснинг белгиларини ушбу ҚМҚнинг 2.2-банди талабларига мос техникавий ҳужжатларни пудратчига қурилиш-йиғиш ишлари бошланишидан камида 10 кун аввал топширишига;

буюртмачининг тасарруфида бўлган амалдаги йўллар бўйича пудратчиларнинг қурилиш поездлари ва мотоизли транспорти, қурилиш юклари ортилган лумпкар ва хоппер-дозатор поездлар ҳаракати тартибини аниқлашга ва расмийлаштиришга, шунингдек поездлар ҳаракати жадвалида қурилиш юкларини бўшатиш, сунъий иншоотлар тузилмаларини ва туташув тармоқларини йиғиш учун зарур, портлатиб бурғилаш ва бошқа ишлар учун амалдаги йўллар бўйича поездлар ҳаракатидаги танаффус билан боғланган танаффусларни («дарчаларни») бериш тартибини белгилашга мажбур.

2.2 Ажратилган йўлка чегарасида (асосий қурилиш - йиғиш ишлари соҳасидан четда) темир йўлларнинг янгиларини қуриш ёки қайта қуриш учун геодезик режаланган асосни тузишда қуйидагилар ўз жойида бўлиши керак:

бурилиш бурчаги чўққиларини йўлнинг ўқи бўйлаб тархида мустаҳкамловчи белгилар ва доиравий ҳамда ўтувчи эгри чизиқлардан бош нуқталар, шунингдек йўлнинг ҳар 1 км дан кам бўлмаган тўғри қисмларида очиш нуқталари;

2 см дан кам бўлмаган оралиқларда йўл йўналиши бўйлаб жойлашган реперлар;

ҳар бир 0,5 км да бекатларда асосий йўл ўқининг тархини ва баландлик ҳолатини белгиловчи белгилар;

амалдаги объектларни расмга олиш ва янги бекатларни йўл бўйича тақсимлаш учун қўлланиладиган полигонометрия ва триангуляция ўринлари; амалдаги йўлнинг (иккинчи йўлларни қуришда) эгри қисмларида тупроқли кўтарма чети яқинида эҳтиёт юриши мустаҳкамловчи белгилар.

2.3 Темир йўл лойиҳасини геодезик режаланган асосдан қурилиш жойларига олиб чиқишда пудратчи томонидан қуйидаги режалаш ишлари бажарилиши керак:

жойда ўтувчи ва доиравий эгри чизиқлар, пикетлар ва плюс нуқталарнинг оралиқ нуқталарини тақсимлаш ва мустаҳкамлаш;

зарур бўлганда қўшимча реперларни ўрнатиш;

суваяратгич иншоотлар ўқларини бекатларда ва перегонларда тақсимлаш;

бекат йўлларини, боғлар, баландликлар, шунингдек милли ўтказгичлар марказларини тақсимлаш.

2.4 Темир йўлларни қуришда геодезик ишларнинг аниқлиги 1-жадвалда кўрсатилган талабларга мос келиши керак.

2.5 Тайёрлаш даврида қуйидаги тайёргарлик ишлари бажарилиши керак:

ажратиш йўлкасини тайёрлаш (ўтказилган дарахтлар ва бутазорлардан тозалаш, биноларни, иншоотларни ва тармоқ йўлларини бузиш ва кўчириш, ҳудудни қуритиш);

қурилаётган ишлаб чиқариш корхоналарига, очиқ конларга, омборларга ва б. вақтинчалик трассаолди автомобил йўлларини ва тўсиқ бўлувчи иншоотларга (катта кўприкларга, ерости йўлларига) кириш йўлларини қуриш;

вақтинчалик асосий ва объект олди қурилиш манзилларини, шунингдек қурилиш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган доимий биноларни қуриш;.

трасса олди ишлаб чиқариш корхоналарини таъмирлаш, моддий-хўжалик муассасаларини ва омборларни, вақтинчалик энергия, иссиқлик, газ ва сув таъминоти тармоқларини қуриш ва жиҳозлаш;

қурилиш алоқаси диспетчерхонасини жиҳозлаш.

2.6 Қурилиш ишлари жараёни кўрсаткичларини аниқлашда йўлнинг алоҳида қисмларидаги тайёргарлик ва асосий қурилиш-йиғиш ишларини биргаликда олиб борилишини ҳисобга олиш керак.

1-жадвал

Геодезик ишларнинг турлари	Геодезик ўлчашлар ва аниқлашларда руҳсатланган хатоликлар						
	Бурчагий, мин	давлат таянч тармоғига боғлашлар орасида чизиғий км гача масофада					баландлик бўйича, мм
		10	20	30	40	50	
Асосий тармоқ йўлини, давлат геодезия тармоғига боғловчи йўлни ва жойдаги йўлни ўтказиш	$\pm 0{,}5\sqrt{n}$	3м	4м	5м	6м	7м	$\pm 50\sqrt{L}$
Амалдаги бекат майдонларида ва шохобчаларда йўлларни ўтказиш	$\pm 0{,}5\sqrt{n}$	1:5000					$\pm 10\sqrt{L}$
Йўлларо масофаларни ва иншоотларнинг яқинлашишининг улчамларини ўрнатиш	-	±2 см					$\pm 20\sqrt{L}$
Милли ўтказгичлар марказлари координаталарини таксимлаш	-	±2 см					-

Изоҳ 1 n-асбоб-анжомнинг туриш жойлари сони; L-йўл узунлиги,км.

2. Асосий тармоқ йўли нуқталари ўта пухталик билан доимий белгилар билан мустаҳкамланиши керак

2.7 Ўтказилган дарахтлар соҳалари орқали ўтадиган ажратиш йўлкасида, перегонларда лойиҳада кўзда тутилган кенгликдаги ўтказилган дарахтларни ёппасига, бекатларда эса, бекат йўллари, бинолар ва иншоотлар остида-

ги алоҳида майдонларни, ўтказилган дарахтларни максимум имкон борича сақланишини таъминлаган ҳолда кесиш керак.

Утказилган дарахтларни ёппасига кесилиш чегарасидан ташқарида йўлга ағдарилиши ёки алоқа йулини, СЦБ ни, энергия таъминотини, зарарлантириш мумкин бўлган дарахтларни, шунингдек сигналлар ва ўтишларнинг кўринишини ёмонлаштирувчи дарахтларни йўқотишга руҳсат берилади.

2.8 Дарёлар одоқларида ва қор кўчадиган жойларда утказилган дарахтларни ва бутазорларни кесишни ҳудуднинг иқлимий хусусиятларини ҳисобга олган, геодезик шароитларни ва сув маромини бузмаган ҳолда амалга ошириш керак.

Трассанинг зах ва ботқоқланган қисмларида ажратиш йўлкасини утказилган дарахтлар ва бутазорлардан тозалашни куз-қиш даврида амалга ошириш керак.

2.9 Утказилган дарахтларни кесиш, тункаларни ковлаш ва ажратиш йўлкасини ўтинлардан ва кесиш қолдиқларидан тозалаш бўйича ишларни механизациялаштирилган усуллар билан бажарилиши керак.

2.10 Темир йўл қурилиш чегараларида материалларни, конструкцияларни ва асбоб-ускуналарни ташишини таъминлаш учун, одатда, йил давомида ташишларни амалга ошириш учун мўлжалланган вақтинчалик трасса олди автомобил йўлини қуриш кўзда тутилиши зарур.

2.11 Қурувчи ишчилар учун вақтинчалик асосий манзиллар қурилаётган доимий бинолар ва коммуникациялардан мумкин бўлган энг кўп фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак.

Вақтинчалик манзилларни қуриш кўпроқ йиғма - бузиладиган, контейнер ва ҳаракатчан инвентар биноларни қўллаш билан амалга оширилиши керак.

2.12 Трассада ишлайдиган қурилиш колонналари (бригадалари) ишчиларини жойлаш учун, автовагонлардан ташкил топган ва ҳафтанинг иш кунлари туриш учун мўлжалланган чизиғий (навбатчи) манзиллар ташкил қилиниши лозим.

2.13 Янги темир йўлларни қуришда қурилиш ташкилотларига хизмат кўрсатиш учун қуйидаги алоқа турлари жиҳозланиши керак:

а) қурилиш диспетчерхонаси;

б) қурилиш бошқармасининг қурилиш бўлинмалари ва бўлинмалараро тўғри алоқа;

в) қурилиш бўлинмаларини линияда ишловчи колонналар ва бригадалар билан боғловчи чизиғий алоқа;

г) туташувчи манзилларда, йирик қурилиш майдонларида, асосий қурилиш бўлинмалари жойлашган ерларда маҳаллий телефон.

«а», «о», «в» кичик бандларда кўрсатилган алоқа турлари, одатда, радиореле линиялари ва паст такрорийликли радиоалоқа аппаратураси билан таъминланиши, тайёргарлик даврида ташкил қилиниши ва трассадаги асосий қурилиш-йиғиш ишлари бошланишидан аввал ишга солиниши керак.

2.14 Иккинчи йўлларни қуришда, темир йўл бекатларини ва тугунларини қайта қуришда ва темир йўл майдонларини электрлаштиришни амалга оширишда буюртмачи қурилиш ташкилотларига алоқанинг мавжуд турларидан қурилиш бўлинмаларнинг линиявий қурилиш майдонлари билан ва қурилиш бўлинмалариаро ва йўл бошқармаси хизматлари билан алоқани амалга ошириш учун фойдаланиш имконини бериши керак.

2.15 Йирик қурилиш майдонларининг қурилиш майдонлари (ерости йўллари, кўприклар, очиқ конлар, ишлаб чиқариш муассасалари ва тажриба майдонлари) қаттиқ гапирувчи турдаги радиоалоқа билан таъминланиши керак.

2.16 Вақтинчалик автомобилларда тупроқ ташиш йўларини кучсиз грунтларда, I тур ботқоқликларда ташкил қилишда танишиб келинадиган дренажловчи грунт ҳажмини камайтириш мақсадида синтетик нематоли материалларни ишлатиш керак.

Автомобил йўллардан тупроқли йўлкаларгача бориб - келишлар сувнинг сув ажратиш каналлари бўйича оқишига тўсиқ бўлмаслиги керак.

2.17 ЁММ омборларини, машиналарни ёнилғи билан тўлдириш ва ювиш манзилларини ташкил қилиш ва жойлашда оқава сувларнинг сув ҳавзаларига тушишини имкониятини истисно қилувчи (оқава сувларни ташкилий ажратиш, вақтинчалик тиндиргич ва б. ларни ташкил қилиш) чоғзларни амалга ошириш керак.

3 ТУПРОҚ КЎТАРМАНИ ТИКЛАШ

3.1 Тупроқ кўтармани тиклаш бўйича ишларни ташкил қилиш ва қабул қилишни тупроқ иншоотлари бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига, шунинг - дек ушбу бўлимнинг қўшимча талаблари билан мос ҳолда бажариш керак.

3.2 Тупроқ кўтармани тиклаш бўйича жараён ишлари таркибига ҳамма тепаликларни, чуқурчаларни ва сув ажраткич иншоотларни ташкил қилиш ишлари, шунингдек ҳимояловчи, тўхтатиб қолувчи мустаҳкамловчи ва ростлагич иншоотларни ташкил қилиш бўйича ишлари киради.

3.3 Тўкмаларни қуриш ва чуқурларни ковлаш бошланишидан аввал сув ажратгич иншоотларни ташкил қилиш йўли билан сув ажратишни таъминлаш зарур, шунингдек тепаликларнинг асосларини лойиҳадаги курсаткичларга (булоқларни тиқинлар билан беркитиш, асосларни қуритиш, гирдобга қарши тадбирлар, ўпқонсимон ҳодисалар билан кураш, чимзорни кесиш) мос равишда тайёрлансин.

Ботқоқликларни дастлабки қуритиш ва ботқоқликларда тупроқ кўтарманинг асосларини тайёрлаш бўйича ишлар тўкмаларни тиклаш бўйича ишлар билан технологик келишилган ҳолда бажарилиши керак.

3.4 Тупроқ кўтармани қуриш бўйича ишлар йил давомида олиб борилиши керак. Қиш даврида 3.41-бандда кўрсатилган, шунингдек қурилиш бўйича барча ишларни тугатиш муддатларини қисқартириш зарур бўлганда, тупроқ ишларини бажариш режалаштирилиши керак.

Қиш вақтида тикланадиган тупроқ кўтарманинг майдонларини қурилишни ташкил қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичида аниқлаш зарур.

3.5 Тупроқ кўтарманинг асосидаги тупроқнинг унумдор қатлами унинг бутун узунлиги бўйича бузилган ёки кам ҳосилли қишлоқ хўжалик ерларини қайта маданийлаштиришда, шунингдек қияликларни лойиҳага мос равишда мустаҳкамлашда фойдаланиш учун кўчирилиши керак.

3.6 Текис майдонларда ва эгрилиги 1:10 гача бўлган қияликларда тикланадиган, баландлиги 0,5 м гача тўкмалар, шунингдек эгрилиги 1:10 дан 1:5 гача бўлган қияликларда тикланадиган, баландлиги 1 м гача тўкмалар асосларида чимзорлар олиб ташланиши керак.

Очиқ грунт конларни, заҳираларни ва бошқа бузилган ерларни қайта маданийлаштиришда, ўтларни экишдан аввал, очиқ конлар тубини, заҳираларни ва б. режалаштириш керак, қияликларга эса, уларнинг чидамлилигини таъминловчи нишоб бериш керак.

3.7 Қиялиги 1:10 дан 1:5 гача қияликларда лойли грунтлардан тикланадиган тепаликларни остидаги асосларни тўкмаларни тўкишдан аввал юмшатиш керак. 1:5 дан 1:3 гача бўлган ёнбағирлар асосларида уларнинг баландлигидан қатъий назар, токчасининг кенглиги 1 дан 4 гача ва баландлиги 2 м гача бўлган поғоналар ўйилиши керак. Поғоналарнинг токчалари паст томонга 0,01-0,02 га тенг кўндаланг нишобга эга булишлари керак. Поғоналарнинг деворлари уларнинг баландлиги 1 м гача бўлганда тик, ундан катта баландликларда 1:0,5 қиялик билан жойлаштирилади.

Дренажловчи грунтлардан (ғовак қумлар, шағал, майда тош, йирик қум, шамол таъсири остида жинсларнинг кам нураган парчалари) кўтарилган ўсимликлар билан қопланмаган қияликларда поғоналарни ташкил қилиш талаб қилинмайди.

Қоя жинсларидан кўтарилган қияликларда тепаликлар асосларини тайёрлаш лойиҳанинг махсус кўрсатмаларига мос равишда амалга оширилиши керак.

3.8 Тупроқ кўтармани тиклаш бўйича ишлар мажмуавий механизацияни қўллаш билан бажарилиши керак.

Энг кичик иш ҳажми ва ишлар ҳақини ҳисобга олган ҳолда етакчи машинанинг энг катта иш унумдорлигини

таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, машиналар тўпламини танлаш зарур.

3.9 Асосий кўринишдаги тупроқ ишларини бажариш учун етакчи ер ковловчи-транспорт машиналари сифатида қуйидагилар кўпроқ қўлланилиши зарур:

сиғими 0,65 дан 2,5 $м^3$ гача чўмичли, шунингдек фаол ҳаракатчан чўмичли экскаваторлар, ва иш унумдорлиги 300-400 $м^3$ соат бўлган юк кўтариши 7 дан 25 т гача бўлган автосамосвал билан тўпламдаги роторли экскаваторлар;

сиғими 8 дан 15 $м^3$ га чўмичли ўзиюрар ва тиркама скреперлар (грунтни ташиш узоқлиги 3000 м гача бўлганда - узиюрар 700 м гача - тиркама скреперлар);

грунтни кўчириш узоқлиги 100 м гача бўлганда қуввати 100 дан 400-500 о.к. гача бўлган булдозерлар (шунингдек куракча турдаги);

иш унумдорлиги 800 $м^3$/соат ва ундан катта грейдер - элеваторлар ва ер текислагичлар.

3.10 Етакчи ер ковлагич ва транспорт машиналарни ковланаётган грунтларнинг турлари, ишлар ҳажми, уларни бажариш муддатлари, тепалик ва чуқурликларнинг ишчи белгилари, жойнинг рельефини ҳисобга олган ҳолда, иқлимий шароитлар, шунингдек лойиҳага асосан тупроқлар массаси мувозанатига мос равишда грунтнинг тақсимланиши ва кўчирилишидан келиб чиққан ҳолда танланиши керак.

Етакчи машиналарни танлашнинг ва йирик қурилиш майдонларидаги тупроқ массаларининг тақсимланишининг энг мақбул хилини ЭҲМ лардан фойдаланган ҳолда аниқлаш керак.

3.11 Экскаваторларни танлашни қуйидаги чўмичнинг сиғимини битта қурилиш майдонидаги (очиқ конда, чуқурликда) тупроқ ишларининг ҳажмига нисбатларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур:

Экскаватор чўмичининг сиғими, $м^3$	Тупроқ ишларининг ҳажми, камида, минг $м^3$
0.65.	20
1 - 1,25.	20 - 60
1,25 - 1,6.	60 - 80
1,6 - 2,5.	80 - 100
Техникавий иш унумдорлиги 300-400 $м^3$/соат бўлган роторли экскаватор	50

3.12 Тўкмаларни тиклашни тепалик чеккаларидан ўртасига олиб бориш керак. Ўта намланган ва кучсиз асосларда грунт қатламларини тўкиш тепалик ўртасидан чеккаларига унинг баландлиги 3 м га етгунча, сўнгра чеккалардан ўртасига олиб борилади.

3.13 Тўкмалар қатламма-қатлам тўкилиши ва барча кўндаланг кесими бўйича, чекка қисмларни ўз ичига олган ҳолда грунт зичлагич машиналар билан бир текис зичланиши керак.

Лойли грунтлардан бажарилаётган иккинчи йўлларнинг тўкмаларини, шунингдек янгидан қурилаётган темир йўлларнинг баландлиги 3 м бўлган тўкмаларини грунт зичлагич машиналар бўлмаганда, иккала томонга 0,5 м дан вақтинчалик кенгайиш, кейинчалик ортиқча грунтни ушбу ёки қўшни тўкмалар учун фойдаланиб лойиҳа ўлчамларигача кесиб ташлаш билан тиклаш руҳсат берилади.

Тўкмаларнинг баландлигига, ҳолатига ва грунтларнинг турига боғлиқ ҳолда, тўкмаларни вақтинча кенгайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги лойиҳада белгиланиши керак.

3.14 Тўкмадаги грунтнинг талаб этилган зичлиги битта из бўйича ғалтак машинанинг аниқланган сонли ўтишларида ёки зарбавий ва виброзарбавий турдаги зичлагич машиналарнинг берилган тезликда ҳаракатланишида берилган қалинликдаги қатламлар бўйича зичлаш йули билан эришилиши керак.

Грунт қатлами қалинлигини ва зичлагич машиналарнинг ўтишлар сонини (ҳаракатланиш тезлигини) грунт-

нинг кўринишига, машиналар турига, ишларни бажаришнинг маҳаллий шароитига боғлиқ ҳолда белгиланиши ва синалма зичлашлар натижалари бўйича аниқланиши керак. Грунтни зичлаш даражаси синалмалар танлаш йўли билан назорат қилиниши керак.

Шамолдан енгил нуровчи қоя, шунингдек йирик синиқли грунтлардан тўкмалар тиклашда зичликнинг талаб этилган даражаси белгиланган тўкиш ва зичлаш маромига риоя қилиш: тўкиладиган қатламлар қалинлиги ва алоҳида тошларнинг ўлчамларига чеклашлар 3.16-банд талабларига мос равишда, зичлагич машиналарнинг ўтишлар сонини аниқлаш дастлабки синалма зичлаш ва чўкишга лойиҳа кўрсатмалари билан мос заҳира вужудга келтириш асосида эришилади.

3.15 Тўкмани «Бош» дан тор ва чуқур жарларни кесиб ўтишда ва фақат боғланмаган грунтлардан фойдаланишда рухсат берилади.

3.16 Йирик синиқли грунтлардан ва шамолда енгил нуровчи юмшайдиган қоялардан қуриладиган тепаликлар қалинлиги 0,4 м дан ортиқ бўлмаган, шамолда енгил нуровчи қоялардан эса - 1 м дан ортиқ бўлмаган ва кучсиз нуровчи қоялардан-2 м дан ортиқ бўлмаган қатламлар билан тикланиши керак; бу ҳолда грунт зичланаётган қатламнинг 2/3 қалинлигига лекин 0,7 м дан катта бўлмаган ўлчамли таркибий қисмларга эга бўлиши керак.

Қояли тўкмаларнинг камида 0,5 м қатламли юқори қисми шағалли грунт билан тикланиши керак; бу ҳолда энг йирик таркибий қисмларнинг ўлчамлари 0,2 м дан катта бўлмаслиги керак.

3.17 Сувўтказиш қувурларини, кўприклар қозиқларини ва тиркагич деворларни қуриш тепаликларни барпо этиш билан бир вақтда бошланиб, уларни грунт билан кўмиш бажарилиши учун тупроқ йўлкани тиклашдан олдинроқ бориши керак.

3.18 Сувўтказгич қувурларни кўмиш худди тепаликлар тикланаётганидек, грунт билан бажарилиши керак. Грунт қувурнинг бир вақтда иккала томонларидан бутун узунли-

ги бўйича бир хил баландликкача уфқий қатламлар билан ётқизилиши ва қатламма-қатлам зичланиши керак.

Тўкмани 100 мм дан катта ўлчамли алоҳида таркибий қисмлар эга қоя ёки бошқа грунт билан тўкканда, сувўтказгич қувур дастлаб қувурнинг тепасидан юқорида камида 0.5 м баландликда юмшоқ грунт (қумли, лойли) билан кўмилиши керак.

Ушбу тепадан кўмишнинг кенглиги камида қувур кенглигидан 1 м ортиқ бўлиши керак.

3.19 Чуқурликларни ишлашни табиий оқишга қарама - қ[illegible]и йўналишда ўтишлар тубига оқиш томонга бўйлама [illegible]об берган ҳолда олиб бориш керак.

Чуқурликларни ишлашда вақтинчалик ариқлар ташкил қилиш йўли билан сувни олиб кетишга рухсат берилади.

3.20 Ноқояли грунтларда чуқурликларни охиригача ўймасдан ва асосдаги грунт тузилишини бузмасдан ясаш керак. Чуқурлик асоси бўйича охирига етказмаслик даражаси тупроқ иншоотлари бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидаларида кўрсатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

Чуқурликлар асосидаги тасодифий олиб кетишлар асос грунти билан бир жинсли бўлган грунт билан мос зичлаш орқали тўлдирилиши керак. Нишоблардаги тасодифий ошиб кетишлар лойиҳадаги кесимга силлиқ ўтиш билан грунт тўкишсиз режалаштирилиши керак.

3.21 Чуқурликлардан олинган грунтни, одатда, тепаликларни тиклаш учун ишлатилади. Тўкмаларни тиклаш учун грунтни ишлатиш иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлмаганда ёки яроқсиз бўлган ҳолда уни чуқурликлар бевосита яқин жойлашган рельефнинг пастлашган жойларига ёки кавальераларга жойлаштириш керак.

3.22 Саноат корхоналари ва аҳоли манзиллари, бекатлар худудларида, шунингдек ярим чуқурликларнинг тоғ олди томонларида ва кавальералар йўл юзасини қор ва қумли уюмлари билан қопланишига сабаб бўладиган жойларда, шунингдек саёз чуқурликлар бўйлаб грунтни кавальераларда жойлаштириш йўл қўйилмайди.

Кавальераларни тўкиш 1 м гача қалинликлар билан амалга оширилади, бунда ҳар бир қатлам режаланган бўлиши керак.

3.23 Эриб юмшаган грунтларда ариқларни суваш-ратгич зовурларни жойлаштириш учун профилловчи чўмичли тескари кураклар билан жиҳозланган ариқзовурқазигичлар ва экскаваторларни, музлаган гурунтларда ва IV-VI гуруҳлардаги грунтларда махсус қурилмали ариқзовур қазигичлар, шунингдек фойдали ишловчи чўмичли эксаваторларни қуллаш керак.

Ариқларни қияликлар ва оқизгич призманинг кертиги режалаштирилгандан сунг ясалиши керак.

3.24 Ишчи белгиси 3,5 м гача булган тупроқ кўтармаининг қиялигини режалаштиришни қия пичоқлар билан жиҳозланган бульдозерлар ва автогрейдерлар билан, шунингдек ундан катта ишчи белгиларда режалаштирувчи универсал экскаваторлар билан ва драглайнлар ердамида бажариш керак.

Тупроқ кўтарманинг оқизгич призмасининг кертигини бошқарувли ажратиш билан жиҳозланган ўрта ва оғир автогрейдерлар билан кесилиши керак.

3.25 Ботқоқликларда, айниқса сувли жойларда тепаликларни кўтариш купроқ қиш даврида бажарилиши керак. Тепаликни ботқоқлик сатҳидан пастдаги қисмини «бошидан бошлаб» усули билан, қолган қисмини эса, қатламма-қатлам тўкиш керак.

3.26 Зовур кесикларини, ариқлар торфқабулқилгичларни, сув ажратиш зовурларини ва торфни тортишни ташкил қилиш бўйича тайёргарлик ишларини бажариш учун қуйидагиларни қўллаш керак: ишлаш чуқурлиги 4 м гача булганда, ротор ва фрезер турдаги ариққазигичлар, чўмичи 0,8 $м^3$ гача экскаватор драглайнлар, чўмичлари 0,65 $м^3$ гача тескари куракли экскаваторлар, бар машиналар, чуқурлиги 4 м дан ортиқ бўлганда эса, портлатиш усули.

3.27 Қиш вақтида механизациялаштирилган усул билан тайёргарлик ишларини бажаришга ботқоқликларнинг музлаш чуқурлиги 0,4 м гача бўлганда рухсат берилади.

3.28 Ботқоқликларда ишловчи ерқазигич машиналар кенгайтирилган ўрмаловчи ғилдираклар-самосваллар эса, юқори ўтувчанликли шиналар билан жиҳозланиши керак.

3.29 Қиш пайтида чуқурлиги 4 м дан ортиқ бўлган сертўнка сув босган ботқоқликларда минерал тубгача хандақлар, торфйиғгич ариқлар ясаш ҳамда ювиладиган жойларни юмшатиш учун портлатиш усулидан фойдаланиш лозим бўлади. Портлатишни хандақ зарядлари усулида ва узлуксиз уфқий зарядлар усулида амалга ошириш лозим.

3.30 Тик қумдор хандақларни ҳаво ҳарорати - 5^0C дан паст бўлмаганда, махсус ускуналар мажмуаси воситасида бажарилиб, унда асосий машина сифатида поналарни вибробосувчи ботиргичдан ёки экскаватордан фойдаланилади. Зовурлар 7-10 м/сутка дан паст бўлмаган фильтрация коэффициентига эга бўлган ҳамда 3% дан ортиқ чангсимон ва лойсимон зарраларга эга бўлмаган қум билан тўлдирилиши лозим

3.31 Ботқоқликларда ёнбағирларни тўлдириш учун тупроқ келтиришда, карьер тўкиш жойидан саккиз километрдан ортиқ бўлмаган масофада жойлашганидан ҳамда ташиладиган тупроқ 50 минг $м^3$ дан кам бўлмаганда, поезд воситасидан фойдаланиш мумкин бўлиб, бунда муваққат тўкиш карьерлари ясаш мумкиндир.

Тўкмаларни (асоснинг мустаҳкамлигига ва ботқоқнинг сув босганлигига қараб) бир йўла бутун баландлигигача ёки икки босқичда ясаш лозим: даставвал оралиқ карьердан автосамосвалларда келтирилган тупроқ воситасида паст шаклда «йўл» тайёрланади, сўнгра поездда ташиб, лойиҳа профилгача уюлади.

3.32 Тўкма туби тупроғининг зичланувини тезлаштириш, унинг устиворлигини ошириш мақсадида ҳамда ишлатиш жараёнида чўкишини камайтириш учун тўкмани муваққат босиш ва дастлабки зичлаш усули қўлланилади.

Юклаш қатламининг қалинлиги, шунингдек дастлабки зичлаш усулида тўкмани ясаш мароми лойиҳада кўрсатилади.

3.33 Тўкмани муваққат босиш усулида кўтарилаётганда тўкма асосининг деформациясини кузата бориш лозим. Бунинг учун белгилар ва таянчлар ўрнатилиши лозим. Белгилар (таянчлар)нинг кўчишини геодезик инструментал кузатиб туриш лозим.

Муваққат юкловчи тарзида ишлатилган тупроқнинг ортиқча қисми асос чўкишининг лойиҳавий катталигига эришилганидан кейингина олиб кетилиши лозим.

3.34 Тўкмани тупроқни дастлабки зичлаш усулида кўтариш ҳолида иккинчисидан бошлаб, ҳар бир навбатдаги тупроқ қатлами, асос тупроғи навбатдаги тупроқ қатламидан юкламани қабул қилиш учун етарли даражадаги мустаҳкамликка эришганидан кейин тўкилиши лозим.

Тўкмани кўтариш жараёнида тупроқни назоратий бурғилаш ва мустаҳкамликка синаш лозим.

3.35 Кўчма қумлар соҳасида ер полотносини қуришда ер ишлари қум ҳолатининг табиий ҳолатини минимал бузиш билан олиб борилиши лозим.

Полотно ва унга қўшни полосаларни маҳкамлаш ва ҳимоялаш ишлари полотнонинг унча узун бўлмаган қисмларида тупроқ тўкилиши биланоқ бажарилиши лозим. Йўлни ётқизишни ва текислаш ишларини ер полотносини кўтариш биланоқ бажариш лозим.

3.36 Кўчма қумлар соҳасидаги тўкмаларни тиклашни фойдаланилаётган тупроқнинг табиий намлигининг пасайишига йўл қўймасдан заҳиралардан фойдаланиб бажариш лозим. Ерусти ўсимликлар билан қопланган ёки ярим қопланган жойларда тўкмани тиклаш учун тик нишобли тор, лекин чуқур заҳиралар лозим, бунда берманинг кенглиги заҳира чуқурлигининг 1,5 ча оширилади.

3.37 Кўчма қумларда чуқурларни сиғими 0,8 ва 1,2 $м^3$ бўлган чўмичли драглайнлар билан ўйиб, аксарият тупроқни кўчириш узоқлиги 150 м гача бўлган чўмич турдаги бульдозерлар билан бажарилади. Тупроқ нам, қисман музлаган ҳолда бўладиган куз-қиш ва эрта баҳор даврларда ўйишни скреперлар воситасида бажариш лозим.

3.38 Дарё яқини саёзликларда тўкмалар қуришда ер ва мустаҳкамлаш ишлари тошқинлар бошлангунча тугалланишлари лозим.

3.39 Ўпқонли ҳодисалар, шўрланган, чўкувчи, кўпчийдиган тупроқли ерлар соҳаларида, тик ва ноустивор қияликларда, шунингдек бошқа ноқулай геологик ва гидрогеологик шароитларда тупроқ кўтармаларни қуришни лойиҳада кўзда тутилган, ер кўтармасининг устиворлигини таъминлаш махсус тадбирларини кўрган ҳолда бажариш лозим.

3.40 Чуқурлар ва тўкмалар ёнбағирларини ер кўтармасининг айрим қисмлари тайёр бўлиши билан маҳкамлаб борилиши лозим. Ўтлар экишни аксарият чим ишлатмасдан гидроэкиш усулида бажариш лозим.

Тупроқ ишларини қиш даврида бажарилаётганда, чуқурлар ва тўкмалар ёнбағирларини мустаҳкамлашни тупроқ эриган даврга қолдириш лозим бўлиб, бунда кўтармани эрув сувлари таъсирида бузилишидан сақлаш тадбирлари кўрилиши лозим (сувнинг оқиб кетиш ариқларини ясаш, ёнбағирлардан қорни олиб кетиш орқали ва б.).

3.41 Қуйидагилар қишда бажариладиган ишлар тоифасига оиддир:

қуруқ кумларда, шағал-тош, қоя ва даставвал юмшатилган ерларда чуқур ва карьерлар тайёрлаш, музлаш ва эришда тўкмалар насосларининг мустаҳкамлик ва қайишоқлик хоссалари сезиларли ўзгармаганда ўша, тупроқлардан тўкмаларни қуриш;

тўкмаларни ботқоқликларда қуриш;

ғорлар ва чуқур хандақ кесиклари ясаш.

3.42 Қуйидагиларни қиш даврида қуришга рухсат берилмайди:

лой грунтларда ер сиртини текислаш;

қоясиз грунтларда чуқурлиги 3 м гача бўлган чуқурлар ясаш;

захиралардан тўкмалар қуриш;

сув оқизиш саёз ариқлар ясаш.

3.43 Киш даврида қуриладиган тўкмалар учун чекланмаган миқдорда қоя ва дренажловчи грунтлардан, шунингдек намлиги ёйиш чегарасидан юқори бўлмаган лой грунтлардан, сувга тўйинмаган майда ва чангсимон қумлардан фойдаланишга рухсат берилади.

Кам намликли грунтлар бўлмаганда, яримқаттиқ консистенцияли лойли грунтларни қўллашга рухсат берилади, бунда тўкманинг юқори қисмини тиклаш учун фақат эриган грунтлар ишлатилиши керак.

3.44 Киш вақтида гупроқ ишларини бажаришда қуйидагилар зарур:

тўкма остидаги асосларни қор ва муздан тозалаш;

тўкмага қор ва музнинг қўшилишига қўймаслик;

тўкманинг баландлиги ва тўкиш усулига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўкмани оғир зичловчи машиналар ва панжарали ғалтак машиналар билан зичлашни бажариш; тўкма жойланадиган музлаган грунтларни грунтнинг умумий ҳажмидан 30% дан ортиқ бўлишига, тўкмада уячалар кўринишида нотекис жойлашишига, шунингдек тўкманинг қия қисмида музлаган кесаклар йиғилишига ва уларни қияликлар сиртидан 1 м дан яқинда жойлашишига; музлаган грунт кесакларининг ўлчамлари зичланаётган қатлам қалинлигининг ундан икки қисмидан кўп бўлмаслигига ва 0,2 м дан катта бўлишига йўл қўймаслик керак;

тўкмаларнинг юқори қисми, шунингдек сувўтказгич қувурларнинг юқорисидаги қатлам ва иккала томондаги грунт қатламини камида 1 м қисмини эриган лойли ёки дренажловчи грунт билан кўмиш;

кўприклар олдидаги таянчларнинг орқа қирралари орқасидаги тўкмалар учун фақат эриган дренажловчи грунт қўллаш;

дарёлар қирғоқларида тўкмаларни ҳамда ростлаш иншоотларини фақат қоя ва йирик синиқли грунтлардан, шағалли, йирик ва ўрта катталикдаги қумлардан тиклаш;

қирғоқларда тўкмаларни дарё тошқини бошланишигача баланд сувларнинг тўлқини баландлигини ҳисобга олган ҳолда, кутилаётган уфқ белгисидан камида 0,5 м баландликкача тўкиш;

ҳам иш бажариш вақтида, ҳам баҳор-ёз даврида грунт тўла эригунча тўкмалар ҳолатини кузатишни бажариш;

ишларни узлуксиз (сутка давомида), конлардаги грунтнинг музлашига йўл қўймай бажариш;

тўкмани лойли грунтлардан 2-жадвалда келтирилган катталиклардан катта бўлмаган баландликкача тиклаш;

2-жадвал

Қурилиш ҳудуди иқлими	Ҳавонинг йиллик ўртача температураси, ^{0}С	Қиш вақтида лойли грунтлардан тикланадиган тўкмаларнинг энг катта баландлиги
Қаҳратон совуқ	-2 дан паст	2,5
Совуқ	-2 дан +1 гача	3,5
Мўътадил	+1 дан +5 гача	4,5
Иссиқ	+5 дан катта	Чеклашларсиз

3.45 Манфий температурада лойли грунтлардан тўла баландликкача тикланадиган тўкмалар учун қаҳратон совуқ ва совуқ иқлимли ҳудудларда тўкма баландлигининг 5% игача ва мўътадил иқлимли ҳудудларда 3% гача чўкишга заҳира кўзда тутилиши керак.

3.46 Бўртма кўпчишли музга тўйиниши кўп грунтлар майдонларида тўкмаларни ишлашда ва қияликларни мустаҳкамлаш ҳавонинг манфий температураларида бажарилиши керак ва мусбат температуралар келгунча тугатилиши керак.

Тўкмаларни ёз вақтида, ер қазиш-транспорт машиналари бевосита грунт бўйлаб ҳаракатлана олиши имконияти мавжуд ҳолатларда тиклаш зарур. Тўкмаларни сутка давомида, тор фронтда олиб бориш керак.

3.47 Тупроқли кўтармани тиклашда портлатиш ишларини қояли ва музлаган грунтларда қўллаш ва бутун йил давомида бир текисда бажариш керак.

Қояли тўкмалар ва йўл олди конлари майдонларидаги қоясиз грунтларда тайёргарлик ишлари (ўтиш учун токчалар қурилмаси ва бурғилаш машиналарининг ишлаши) кўпинча грунт музлагунча ва қор қатлами ҳосил бўлгунча бажарилиши керак.

Портлагич моддалар (ПМ) рецептурасини танлашда, аксарият кислород баланси ноль, портлашда заҳарли газлар ажралиш ҳажмини камайтира оладиган моддалар қўллаш зарур.

Қопларда ётавериб босилиб қолган ПМ ларни ишлатишга тайёргарлик ишларини сув оқими ташкил қилинган майдончаларда бажариш зарур.

3.48 Тўкмалар ва яримтўкмалардаги қояли грунтларни портлатиш портлашнинг сейсмик таъсирини максимал пасайтиришни (контур ва қисқа секинлаштирилган портлатиш, кичик диаметрли қудуқлар қурилмаси ва б.) ҳисобга олган ҳолда қудуқли ва шпурли зарядлар услублари билан бажарилиши керак.

Қудуқлар ва шпурлар диаметри, уларнинг жойланиши ва портлатиш тартиби ишланаётган грунтларнинг қуввати, портлатилаётган дозанинг майдонидаги рельеф тавсифномаси, муҳандисий-геологик шароитлар, жинсларни парчалашнинг талаб қилинаётган даражаси, қияликлар турғунлигини таъминлашга ва тупроқ кўтарманинг асосий майдончасидаги барқарорликка боғлиқ ҳолда белгиланади.

3.49 Қояли тўкмалар ва ярим тўкмалар ташкил этишда текис ва кам бузилган қияликларни ҳосил қилиш учун, битказиш ишлари ҳажмини камайтириш учун қия қудуқларни оғма тўлдириш, охиргилар диаметрини 65-110 мм гача камайтириш, дастлабки тирқиш ҳосил қилиш билан контурли портлатишни қўллаш керак.

3.50 Бир қатламда бажарилган, унча чуқур бўлмаган (6-8 м гача) тўкмаларни портлатишни бутун узунлик бўйича, ер қазигич машиналар ёрдамида, одатда, қатлам-

ма-қатлам бир вақтнинг ўзида бурғилаш ва ер қазигич машиналарни ишга солиш билан олиб борилиши керак.

3.51 Тўкмаларни ишлашни давом эттиришда, зовурларни, ариқларни қуришда, қояли жинсни портлатиш учун ҳамда мавсумий музлаган грунтларни юмшатишда шпурли зарядлар услубини қўллаш зарур.

3.52 Сунъий иншоотлардан 50 м гача масофада жойлашган (агар лойиҳа бўйича бошқа ўлчашлар аниқланмаган бўлса) қояли тўкмаларни портлатиш услуби билан ишлаш кўрсатилган иншоотлар тиклаб бўлингунча тугатилиши керак.

3.53 V-VIII гуруҳлардаги грунтларда, IX гуруҳдаги камабразивли жинсларда, ноқояли грунтлар қатламлари мавжуд жинсларда ва қаттиқ киришмали музлаган ноқоявий грунтларда қудуқлар ҳосил қилиш учун шарошечли услубли бурғилаш қўлланилиши керак. X ва XI гуруҳдаги жинсларда, шунингдек IX гуруҳдаги образив жинсларда зарбавий-шарошечли ва пневмозарбавий услубли бурғилаш қўлланилиши керак.

Қояли грунтларда шпурлар ҳосил қилиш учун перфораторли ва зарба-айлантиргич чиқариладиган ургичли услубли бурғилаш қўлланилиши керак.

Қояли киришмалари бўлмаган музлаган грунтларда ва IV ва V гуруҳлар қояли грунтларида қудуқлар ва шпурлар ҳосил қилиш учун кўпинча бурғилашнинг айланма услуби қўлланилиши керак.

3.54 Тўкма ва яримтўкмаларни ишлашда қудуқ ва шпурларни бурғилаш, одатда, йўл қўйилиш турдаги бурғилаш машиналарини қўллаш билан олиб борилиши керак.

Бурғилаш машиналари чангнамловчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

3.55 Тўкма ва яримтўкмаларни ишлашда қудуқ ва шпур зарядларини портлатиш энг рационал схемаларини қисқа секинлаштирилган портлатишни қўллаш билан амалга оширилиши керак; бўйлама-қаторлараро - енгил парчаланадиган қияликлардаги қояли грунтларда кўндаланг-қаторлараро - худди шундай грунтларда текис жойларда;

кесилган ва қарама-қарши йўналган - қийин парчаланадиган VI-X гуруҳлардаги грунтларда.

ПМ зарядларини қудуқларда портлатишни амалга оширишни капсуласиз услуб билан бажариш зарур.

3.56 Тўкмаларни дренажловчи грунтлардан гидромеханизация воситалари билан тиклаш зарур.

Агар тикланаётган тўкмада ўлчами 0,1 мм дан кам ўлчамли зарралар 15% дан ортиқ бўлмаган шароитда майда, чангсимон қумлар ва лойли қумларни тўкмаларни ювиш учун қўллашга руҳсат берилади.

Ишлатилган сувни ювиш хариталаридан қайтаришни сув ажратиш новлари бўйича амалга ошириш керак. Агар жойнинг рельефи сувнинг конларга мустақил оқишини амалга ошириш имконини бермаса, уни насослар билан чиқариш керак.

3.57 Ботқоқланган ёки сув босган ҳудудларда тўкмаларни ювишда қирғоқларни бирламчи мустаҳкамлаш имкони бўлмаганда, кўчма асослари «плякс» қияликларидан, эстакадасиз - ён томондан ёки қатламма - қатлам - грунттаянчли услуб билан ювилиши керак.

3.58 Бурғилаш-портлаш услуби билан қояли грунтларда ишланаётган тўкмаларнинг асосидаги ва қияликларидаги етишмовчиликлар 10 см дан кўп, ортиқчаликлар - 20 см дан кўп бўлмаслиги керак.

Нишабликларда дўнг ва чуқурлар тўкмалардан меъёрда фойдаланишга, таъмирлаш ишларига ва сувнинг оқишига тўсқинлик қилмаслиги, шунингдек олдинда ётган йўлнинг кўринишини ёмонлаштирмаслиги керак. Тўкмалар асосидаги ортиқчаликлар маҳаллий қояли грунт билан тўлдирилиши керак.

3.59 Тупроқ кўтармани қабул қилишда лойиҳа ўлчамларидан руҳсат этилган четланишлар 3-жадвалда кўрсатилган ўлчамлардан ортмаслиги керак.

Тўкмаларда кам солишлар ва тупроқ кўтарманинг асосий майдончаси бўйича чуқурчаларда 5 см гача ортиқчаликлар йўлни балластирлашда балласт қатлам ҳисобига тўғриланади.

3-жадвал

Четланишлар	Тупроқ кўтармани қабул қилишда руҳсат этилган четланишлар ўлчамлари	Назорат тартиби
Тупроқ кўтарманинг ўқи ва чети белгиларининг четланишлари	±5	бўйлама нивелирлаш
Тупроқ кўтарманинг торайиши (ўқ йўлидан четигача масофанинг камайиши)	руҳсат этилмайди	ҳар 50 м да ўлчашлар
Новли призма юқориси кенглигининг четланишлари	±10	худди шундай
Тупроқ кўтарма нишаблиги-эгрилигининг ортиши	руҳсат этилмайди	худди шундай
Ариқларнинг кўндаланг ўлчамларининг камайиши	худди шундай	ҳар 50 м да, шунингдек дўнг жойларда ўлчашлар
Зовурлар туби, ариқлар ва дренажларнинг лойиҳадаги бўйлама оғишидан четланишлари	0,0005	ҳар 50 м да бўйлама нивелирлаш
Зовурлар, ариқлар ва дренажлар тубининг минимал оғишларнинг камайиши	руҳсат этилмайди	худди шундай

4 ЙЎЛНИНГ ЮҚОРИ ТУЗИЛИШИНИ ҚУРИШ

4.1 Рельсли йўл бўлакларини ва стрелкали ўтказгичлар блокларини бўлакйиғгич муассасаларда йиғиш керак.

Йиллик иш ҳажми 20 км дан ортиқ бўлганда, муассасалар механизациялашган бўлакйиғгич стендлар, йиллик ҳажми 70 км дан ортиқ бўлганда, яримавтомат бўлакйиғгич линиялар билан жиҳозланган бўлиши керак.

4.2 Йўллар ва бўлакйиғгич муассасалар қурилмаларининг жойлашиши:

ётқизгич материалларни тушириш, штабеллаш ва қайта ишлаш, йўл бўлакларини ва стрелкали ўтказгичларни йиғиш, ҳаракатчан таркибга ортиш;

материалларни туширишга, бўлаклар, блокларни йиғишда ва уларни ҳаракатчан таркибга ортишда кранларнинг минимал ҳаракатини таъминловчи, ётқизгич материаллар штабелларининг, йиғилган бўлаклар ва стрелкали ўтказгичлар блокларининг жойлашишини;

хизмат қилувчи ходимларнинг ҳавфсиз ишлаш шароитларини таъминлаши лозим.

4.3 Бўлакйиғгич муассасада қўшни йўллар орасидаги масофа камида 5 м бўлиши, материаллар ва тайёр маҳсулотлар штабеллари қўшни йўлнинг ўқидан 2,45 м дан яқин бўлмаган ҳолда жойлашиши, жойларда қўшни штабеллар орасидаги масофалар, одамлар ўтиши талаб қилинмайдиган жойларда камида 0,5 м, одамлар ўтадиган жойларда - 1 м дан кам бўлмаслиги керак.

Муассасаларда материаллар ва тайёр махсулотлар штабеллари ва кранларнинг туртиб чиққан жойлари орасидаги масофа камида 0,7 м бўлиши керак.

4.4 Рельс-шпалли панжаранинг ҳар бир бўлаги текширилиши ва қуйидаги талабларни қониқтириши керак: рельслар, шпаллар ва маҳкамлагичларнинг турлари лойиҳага мос келиши керак;

йиғилган бўлаклардаги ғилдиракларнинг айланиш сиртидан 13 мм паст сатҳда рельслар бошчаларининг ички қирралари орасида ўлчанадиган из кенглигининг четланишлари ±2 мм дан ортмаслиги керак;

йиғилган бўлакларда рельслар учлари йўлнинг тўғри қисмларида - бурчаклик бўйича ±1 см қўйим билан; эгри қисмларда ётқизишда - ўта ҳисобдаги югуришнинг устига ±1 см қўйим билан жойлашиши лозим;

аралаш ўзак михли маҳкамлашда рельслар, уларни йўлнинг тўғри қисмларида ва радиуси 1200 м дан катта эгриликларда ётқизишда шпалнинг ҳар бир учларига бирлаштирувчи шпаллардан ташқари, тўртта қозиқ михлар (рельснинг ҳар бир томонидан уни шпалга маҳкамлаш учун биттадан ва иккита қўшимча, ҳар бир томондан

қистирмаларни шпалга маҳкамлаш учун) билан маҳкамланиши лозим;

ҳамма учлари бириккан шпалларда ва радиуси 1200 м ва ундан кам йўлнинг эгри қисмларида, шунингдек ҳаракат тезлиги 100 км/с дан кўп бўлган қисмларда, кўприкларда ва ерости йўлакларда рельсли шпалнинг ҳар бир учида (кўприк тўсинида) бешта қозиқ михлар билан мустаҳкамланади, улардан учтаси асосий (иккита ички ва биттаси ташқи томондан) рельсни шпалга мустаҳкамлаш учун мўлжалланган ва иккита қўшимчаси - тўшамани шпалга маҳкамлаш учун; қозиқ михлар олдиндан тешилган ва антисептирланган кавакларга тик қоқилиши керак;

алоҳида мустаҳкамлашда ҳар бир қистирма ёғоч шпалга тўртта шуруплар билан ва рельс икки болтлар воситасида, темирбетон шпалга эса, иккита ётқизиладиган болтлар билан бириктирилиши керак;

пружинали олиб кетишга қаршилар намунавий лойиҳа бўйича жойланиши ва шпалларнинг ён сиртига ёпишиб туриши керак; олиб кетишга қаршилар шундай жойлаштирилиши керакки, ҳар бир олиб кетишга қаршининг тиши (ўнг ва чап рельс иплардаги) изнинг ташқарисида жойлашсин;

бўлакдаги шпаллар сони йўлнинг тоифаси ва вазифасига боғлиқ равишда ётқизиш эпюрига мос бўлиши керак; шпаллар бурчаклик бўйича жойланиши керак, бунда шпаллар ўқларининг четланишлари эпюр бўйича ҳолатдан 2 см дан ошмаслиги керак;

ёғоч шпаллар ва тўсинлар антисептиклар билан шимдирилган, уларнинг учлари ёрилишлардан мустаҳкамланган бўлиши керак;

икки йўлли майдонда ётқизиш учун мўлжалланган бўлакларда ёғоч шпалларнинг учлари дала томондан шпур бўйича; бир йўлли майдонларда - тўғри майдонларда ўнг томондан километрлар ҳисоби бўйича ва эгри майдонларда ташқи ип томонидан текисланган бўлиши керак; шпалларнинг кесишган учлари антисептирланган бўлиши керак.

4.5 Йўлнинг юқори тузилишини ётқизишдан аввал қуйидагиларни бажариш зарур:

тўғри бўйича ҳар 100 м да ва эгри майдонларда ҳар 20 м да, ўтувчи ва доиравий эгриликлар боши ва охирида, шунингдек профилнинг синиш нуқталарида йўл ўқини мустаҳкамлаш;

тупроқ кўтарманинг асосий майдончаси кўндаланг профили ҳолатининг унинг лойиҳавий шаклларига мослигини текшириш; бунда шунингдек унинг сиртининг текислиги ва грунтни зичликнинг талаб қилинадиган меъёрларигача зичланганлигини текширилади.

Тупроқ кўтарманинг йўлни ётқизишга тайёрлиги буюртмачи вакили иштирокида далолатнома билан расмийлаштирилади

Тайёрланган тупроқ кўтарма бўйича машина ва механизмларнинг ўтиши йўл қўйилмайди.

4.6 Ҳайдаб ўтиш жойларида рельс-шпалли панжараларни тупроқ кўтармага ётқизиш унинг асосий майдончасининг сақланишини (темирбетон шпалли йўлларни қумли ерларга ётқизиш, ётқизишдан сўнг йўлни дарҳол балластирлаш ва б.) таъминловчи чоралар кўриш билан бажарилиши лозим.

Тупроқ кўтарманинг юқори қатламида лойли грунтлар бўлганда, йўлни ётқизиш тўхтовсиз ёмғирлар даврида ва грунтларнинг баҳорги эришида асосий майдончанинг бузилишидан ва балласт чуқурликларнинг ҳосил бўлишидан қочиш учун йўл қўйилмайди.

4.7 Бекат йўлларини ётқизишда, одатда, ётқизилган балласт қатлам бўйича амалга оширилади.

Бунда, қўшни йўлдан думпкарлардан туширилган балластни текислаш йўл струглари ёки бульдозерлари ёрдамида, уни қатламма-қатлам зичлаш эса, зичлагич воситалари билан бажарилади.

4.8 Балластда юриш билан темирбетон кўприкларда йўл қуришда, шунингдек ҳамма куприкларга келиш йўлида кўприкнинг икки томонидан камида 30 м масофада вақтинчалик келиш жойлари ташкил қилган ҳолда

қалинлиги 15 см бўлган балласт қатлам ётқизилиши керак.

4.9 Йўл ўқ бўйича учма-уч жойларда зарур температуравий тирқишлар сақлаган ҳолда ётқизилиши керак. Турли кўринишдаги рельсларни учма-уч бирлаштиришда ўтгич улагичлар қўлланиши керак. Ўтгич улагичлар ўрнига йўлга бир ярми уланаётган рельсларнинг биттасига мос келувчи, иккинчиси бошқаси кўринишида бўлган ўтгич рельсни ётқизиш йўл қўйилади.

Фақат битта даражага (масалан, Р50 рельсларни. Р65 рельслар билан) фарқ қилувчи турли кўринишдаги рельсларни учма-уч бирлаштиришга руҳсат берилади.

Стрелкали ўтказгичларда рельсларнинг бирлашадиган учларини намунавий эпюрлар бўйича жойлаштириш керак.

4.10 Ўтиш жойи тўшамаси оралиғида рельсларнинг бириккан учларини жойлаштириш йўл қўйилмайди. Бириккан учларнинг бу оралиқларга тушиб қолишида бриккан учларни 12,5 м узунликдаги бўғин ётқизиш билан силжитиш зарур.

4.11 Йўл ётқизгич кран ўтиши камидан ишчи поездлар (ишчи ҳаракат)ни ўтказиш учун тупроқ кўтармага ётқизилган йўл режа ва профиль бўйича йўл текислагич ва тўғрилагич машиналар ёки гидравлик асбоб ёрдамида текисланиши керак. Бириккан жойларда рельснинг ҳар бир учида камида иккитадан тортилган болтлар бўлиши керак. Йўлни элементлари бўйича ётқизишда рельслар шпал (тўсин)нинг ҳар бир учида камида иккита қозиқ михлар, шуруплар ёки ётқизиладиган болтлар билан маҳкамланган (алоҳида ёки аралаш маҳкамлашда) бўлишлари керак. Алоҳида маҳкамлашда клеммали болтларнинг гайкалари тортилган бўлиши керак.

4.12 Стрелкали ўтказгичлар ва ёпиқ кесишишларни блоклар билан намунавий эпюрлар бўйича ётқизиш.

Тарқалиш ва қувиб ўтиш жойларида кириш стрелкаларини ётқизишда бош йўлда «рубок»ларни ётқизишни олдини олиш учун рамали рельслар олдида стрелкали ўт-

казгичларни тўғри майдонларда ҳайдаб ўтиш жойи томонга йўл бўйлаб кўчириш йўл қўйилади.

4.13 Йўлни ётқизиш бўйича ишлар йўлётқизгич машиналар, кранлар ва бошқа механизация воситалари билан жиҳозланган махсус колонналар (бригадалар) билан бажарилиши керак.

Йўл ётқизгич машиналарни танлаш йиллик иш ҳажмларидан, қурилишларнинг узунлиги ва тарқоқлигидан, техник-иқтисодий асослашлар асосида, қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: йўл ётқизишнинг йиллик ҳажмлари 70 км га тенг ва кўпроқ бўлганда темир йўлда юрувчи йўл ётқизгич консол кранлар; йиллик ҳажмлар 30-70 км га тенг бўлганда, - траспорда портал йўл ётқизгичлар ва йиллик ҳажмлари 30 км дан кам бўлганда - енгил портал йўл ётқизгичлар.

4.14 Йўлнинг балластнинг биринчи қатламига кўтариш йўлни ётқизиш кетидан ушбу ишлар майдонлари ораси 10 км дан кўп бўлмаган узилиш ҳолида бажариш лозим.

4.15 Йўлни балластирлаш бўйича ишлар йўлни режа ва профилда тўғрилашни автоматлаштириш билан бажарилиши керак.

Балластирлаш ишларининг йиллик ҳажмлари 70 км ва ундан кўп бўлганда, электрбалластирлар ва узлуксиз ишловчи тўғрилагич -уриб-пардозлаш машиналари; йиллик ҳажмлари 70 км дан кам бўлганда йўл кўтаргичлар, аниқ ишловчи шпалқоққич ва қоққич машиналарни қўллаш зарур.

4.16 Йўлни балластирлаш бўйича ишларнинг бошланишидан аввал тўғри майдонларда ҳар 100 м да, эгри жойларда ҳар 20 м да, шунингдек ўтиш жойи ва доиравий эгриликларда ва профилнинг синиш нуқталарида йўл ўқини мустаҳкамлаш билан у тикланиши зарур.

Шундан сўнг йўлни ўқ бўйича текислаш керак ва ўнг ипдаги рельснинг боши бўйича тўғри (километрлар йўналиши бўйлаб) ва эгри майдонларда ички ипда нивелирлаш ўтказилиши керак.

4.17 Рельслар, маҳкамлагичлар, шпаллар, балласт йўлга ётқизилишдан олдин уларнинг сифатининг давлат

стандартларига ёки техникавий шартларига мослигини текширилиши (паспорт ва сертификатлар бўйича) керак.

Балласт сифатини йўлни балластирлаш бўйича ишларни бошламасдан аввал ва ушбу ишларни бажариш жараёнида даврий назорат қилиш зарур.

4.18 Конлардан балластни иш жойига хоппердозаторларда ёки думпкарларда ташиш лозим. Мос равишда техник-иқтисодий асослашда иш жойларига яқин жойлашган оралиқ балласт омборларини қуришга йўл қўйилади.

4.19 Шағалли балластни йўлга ётқизишда унинг шпал остидаги қалинлигини лойиҳавий қалинлигининг 20 % ўлчамида зичланишида чўкишга заҳира қабул қилиш лозим.

4.20 Темирбетонли шпалли йўлни балластирлашни шпалларни синишини олдини олган ҳолда (балластнинг ўрта қисмига уришга йўл қўймай) бажариш зарур.

4.21 Қиш вақтида йўлни балластирлашни қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда бажариш зарур:

қумли ва шағалли ёки ракушкали балласт, одатда, кондан йўлга ётқизиш жойига ташиш вақтида музлашини олдини олиш учун қуруқ (намлиги 6% гача) фойдаланиши керак; ушбу балласт материалларнинг юқори намликларида уларни штабелларга тахлаш ва йирик кесакларга музлаб қолмаслиги учун даврий аралаштириш зарур;

балластирлаш ишларини бажариш фронти шундай узунликда белгиланиши керакки, иш сменаси давомида ушбу майдондаги йўлни балластирлаш ишлари тўла тугасин.

4.22 Темир йўлнинг қор босадиган трассалари қиш вақтида ётқизиш-балластирлаш ишларини бажаришда олдиндан босишлардан шчитлар билан ҳимояланиши керак.

Кучли қор ёғиш вақтида балластирлаш ишларини тўхтатиш ва йўлни кордан тозалангандан сўнггина давом эттириш зарур.

4.23 Эгриликларда ташқи рельсни юқори кўтариш ташқи рельс ипи остида балласт қатламнинг қалинлигини ошириш йўли билан, кўприкларда эса йўлни кўнда-

ланг тўсинларга ётқизишда - лойиҳа кўрсатмаларига мос равишда амалга оширилади.

4.24 Учлари бирикмаган йўлни қуриш бўйича ишлар «Ўзбекистон темир йўллари» ТҚДА махсус талабларига мос ҳолда бажарилиши керак.

4.25 Қурилаётган йўлдан вақтинчалик фойдаланишда йўлнинг юқори тузилишининг конструктив элементлари ҳолатида ва ўлчамларида руҳсатланган четланишлар қуйидаги катталиклардан ошмаслиги лозим:

йўлнинг тўғри ва эгри қисмларида изнинг кенглигининг четланиши:	
кенгайиш бўйича	6 мм
торайиш бўйича	4 мм
из кенглигида четланишларни ажратиш	1 мм/м
рельслар ипи сатҳидаги четланишлар (баландлик бўйича ўзаро ҳолатида) йўлнинг тўғри ва эгри қисмларидаги белгиланган меъёрларга нисбатан	6 мм
рельс иплари бошлари сатҳида четланишларни ажратиш	3 мм/м
доиравий эгриликда қўшни эгилиш стрелкасидаги фарқ (хорданинг узунлиги 20 м бўлганда ҳар 10 м даги нуқталарда)	8 мм
ўтиш эгриликларида (хорданинг узунлиги 20 м да ҳар 10 м даги нуқталарда)	6 мм
йўлнинг тўғри қисмида рельсларнинг бириккан учларининг жойлашишидан четланишлар	8 см
бириккан учлар орасидаги тирқишлар катталигидан четланишлар	±3 мм
шпалларнинг жойлашишининг эпюрдаги четланишлари:	
ёғоч	8 см
темирбетон	4 см

4.26 Йўлни сўнгги пардозлашда қуйидаги ишлар бажарилиши керак:

шпалларни белгилар бўйича рельсларда жойлаш; чўкиш ва қинғайиш жойларида йўлни ва стрелкали ўзгартиргичларни тўғрилаш; шпал ва тўсинларнинг ҳаммасини қоқиш; хордалар бўйича эгриликларни текшириш билан рельс ипларини текислаш, тирқишларни созлаш, изнинг руҳсатланмаган торайиш ва кенгайиш жойларида йўлни ва стрелкали ўзгартиргичларни қайтадан тиклаш; етишмаётган балласт билан тўлдириш билан балласт призмани якуний пардозлаш;

етишмаётган бириктиргич ва олиб қочишга қаршиларни ўрнатиш, бириктиргичларни ва шпалларнинг юқори жойларини, шунингдек рельсларни балластдан тозалаш;

тўшамаларни, контррельсларни ва ўтиш жойларидаги тўсиқларни лойиҳавий ҳолатга келтириш, доимий йўл ва сигнал белгиларини ўрнатиш.

4.27 Ётқизилган ва балластирланган йўлни қабул қилишда унинг ҳолатини қуйидаги талабларга мос равишда текшириш лозим:

йўл режа ва бўйлама профилда тасдиқланган лойиҳага мос равишда аниқ текисланган бўлиши керак; эгриликларда қўшни стрелкаларидаги фарқ ва ўтувчан эгриликлар оралиғида эгилиш стрелкасидаги бир текис ўтишдан четланишлар 4-жадвалда кўрсатилган катталиклардан ошмаслиги лозим;

ҳамма ҳайдаб ўтиш жойида йўл, одатда, бир турдаги ва бир хил узунликдаги, эгриликларнинг ички ипи бўйича ётқизиладиган калталаштирилган рельслар истисно тарзида, рельслар ётқизилиши керак;

ҳамма рельслар қияликка эга бўлиши (шпалларнинг сиртига нисбатан изнинг ичига томон оғиш) керак;

изларнинг бириккан учлари бурчаклик бўйича қўйилган бўлиши керак. Бириккан учларнинг қочиши тўғри чизиқ бўйича 3 см дан эгри бўйича рельсларнинг меъёрий қисқаришининг ярмидан 3 см дан кўпроқ ортмаслиги керак;

бириккан учлардаги тирқишлар 4-жадвалда кўрсатилган руҳсат этилган четланишларни ҳисобга олган ҳолда рельсларнинг температураларига боғлиқ ҳолда белгиланган катталикларга мос келиши керак;

йўл олиб кетишдан тўла маҳкамланган бўлиши керак. Олиб қочишга қаршиларни жойлаштириш схемаси ва сони - лойиҳавий маълумотларга мос келиши керак;

пружинали олиб қочишга қаршиларнинг халқаси шпалларнинг ён сиртига зич тақалиши лозим;

йўлнинг икки йўлли қисмларида шпалларнинг ташқи учлари рельс ипига параллел шнур бўйича, бир йўлли қисмларда эса шпалларнинг учлари ўнг томондан километрлар ҳисоби бўйича текисланиши лозим;

шпал ва тўсинлар йўлга ётқизилиш йили тамғасига эга бўлиши керак;

балласт призманинг ўлчамлари 4-жадвалда кўрсатилган қўйимларни ҳисобга олган ҳолда намунавий кундаланг профилларга эга бўлиши лозим;

балласт призманинг сирти ёғоч шпаларнинг юқори ётадиган жойидан 3 см га паст темирбетон шпалларда - уларнинг ўрта қисми билан бир сатҳда бўлиши керак;

стрелкали ўтказгичлар тасдиқланган эпюрлар бўйича ётқизилиши, ўтказгич ва айқашли эгриликлар ординаталар бўйича қўйилиши керак;

ҳар бир стрелкали ўтказгичдан сувнинг меъёрда ажратилиши таъминланиши керак.

4.28 Темир йўлнинг юқори тузилиш ҳолатини текшириш учун йўл ўлчагич вагонларни ёки йўл ўлчагич араваларни қўллаш керак; бунда темир йўлнинг изининг кенглиги бўйича, рельс ипларининг баландлик бўйича ўзаро жойлашиши бўйича, режадаги йўналиш бўйича рельс ипларининг жойланиши бўйича ва иккала рельс ипларининг маҳаллий чўкишлари бўйича ҳолати текширилади.

4.29 Бош йўлнинг юқори тузилиши бўйича ишларни қабул қилишнинг ҳайдаб ўтиш жойлари бўйича (алоҳида манзилларнинг чиқиш стрелкалари орасида), ҳайдаб ўтиш жойларида темир йўлда юрувчи кранлар билан оралиқ тузилишларни жойлаштириш талаб қилинадиган тон-

нел ёки кўприк бўлганда эса, ушбу иншоотлар орасидаги майдонлар бўйича бажариш зарур.

Алоҳида манзиллардаги йўлнинг юқори тузилишини қуриш бўйича ишларни қабул қилиш манзил бўйича, умуман, бекат йўлларнинг умумий узунлиги 5 км дан ортиқ бўлганда, алоҳида парклар бўйича бажариш лозим.

4.30 Доимий фойдаланишга топшириладиган умумий тармоқ ва кириш жойлари йўлларининг юқори тузилишининг конструктив элементлари ҳолатлари ва ўлчамларидаги руҳсат этилган четланишлар 4-жадвалда кўрсатилган катталиклардан ошмаслиги керак.

Стрелкали ўзгартиргичлар элементларининг ўлчамларидаги ва жойлашишидаги руҳсат этилган четланишлар тасдиқланган «Темир йўлни сақлаш бўйича жорий қўлланмалар» талабларига мос келиши керак.

5 АВТОМАТИКА, ТЕЛЕМЕХАНИКА ВА АЛОҚАНИНГ ТУЗИЛИШИ

5.1 Лойиҳа билан аниқланган ҳайдаб ўтиш жойлари ва бекатларда сигналларни ўрнатиш ҳолатлари буюртмачи ва пудратчи вакилларидан иборат ҳайъат билан жойларда аниқланади ва далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Далолатномалар расмийлаштирилгунча сигналларни ўрнатиш бўйича ишларни бошлашга йўл қўйилмайди.

5.2 Монтаж учун топшириладиган диспетчерлик ва электр марказлари ва б. техникавий бинолар электр ёритиш билан таъминланган, шунингдек қиш шароитларида ишларни бажариш учун вақтинчалик иситиш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

5.3 Автоблокирлаш йўлларининг ёғоч таянчлари механизациялашган асбоб ва юклаш-тушиш механизмлари билан жиҳозланган, йўл ёқасидаги қурилиш майдонларида йиғилиши керак ва ўрнатиш жойига траверслар, тўсинлар ва маҳкамланган деталлар билан йиғилган ҳолда етказилиши керак.

Темирбетон таянчларни тайёрлаш уларни ўрнатиш жойларида бажарилиши керак.

5.4 Юқоривольтли-сигнал йўлларини қуриш бўйича ишлар ҳайдаб ўтиш жойлари ва бекатлардаги автоблокирлаш қурилмаларининг монтажидан илгари бўлиши керак.

Автоблокирлашнинг юқори вольтли линияларини буюртмачига топширишдан аввал юқори вольтли симларнинг ерга нисбатан изоляцияси етарлилиги текширилиши керак.

5.5 Темир йўлларнинг алоқа магистрал кабелларини ётқизишда тупроқ кўтарманинг (йўл четининг) понасида йўл ўзидан кабелгача масофа 2-2,3 м, ётқизиш чуқурлиги эса камида 0,5 м бўлиши керак. Кабелни тортишни рельсли кабелётқизгич ёрдамида амалга ошириш керак.

5.6 Релели шкафлар, бошқариш пультлари ва чиқариладиган табло, релели стативлар, таъминот қурилишлари (шчитлар ва таъминлов ва заряд-разрядлаш шчитлари, шунингдек рельс занжирлари панеллари) ўрнатиш жойига тўплам ҳолда икки монтаж тўла тугалланган ҳолда ётқизилиши керак.

Ҳайдаб ўтиш жойларида релели шкафларни шундай ўрнатиш керакки, релели бўлим эшиклари дала томонда бўлсин.

5.7 Темир йўлларнинг электрлаштирилган қисмларидаги ҳамма металл тузилишлар (релели шкафлар, светомачталари, кўприкчалар ва каналлар) тортувчи рельсга ёки йўлнинг дроссель-трансформаторларининг ўрта нуқталарига уланиб ерга туташтирилиши зарур.

5.8 Шкафлар, светофор-мачталар, светофорлар, семофорлар, огоҳлантирувчи сигналлар, йўл яшиклари, дросселлар ва бошқа полусти қурилмаларининг сиртини бўяш тайерловчи заводларда бажарилиши керак. Жойдаги монтаждан сўнг такрорий бўяш бажарилади.

5.8 Юқоривольтли сигнал ва автоблокирлашнинг юқоривольтли йулларини, заруриятда, алоҳида манзиллар орасидаги майдонлар (ҳайдаб ўтиш жойлари буйича) билан топширишга йўл қўйилади.

4-жадвал

Четланишлар	Йўлнинг юқори қурилиш элементлари ҳолати ва ўтамаларида рухсат этилган четланишлар катталиклари
Йўлнинг тўғри қисмида изнинг кенглиги бўйича четланишлар кенгайиш бўйича торайиш бўйича	 4 мм 3 мм
Йўлнинг тўғри ва эгри қисмларида белгиланган меъёрлардан рельс иплари сатҳида четланишлар (баландлик бўйича ўзаро жойлашиш)	4 мм
Доиравий эгриликларда рельс ипларининг қўшни эгилиш стрелкаларидаги фарқ (ўлчашлар хорда узунлиги 20 м да ҳар 10 м даги нуқталарда) четланишлар қуйидаги тезликлардан ортмаслиги керак: 100 км/соат 100 км/соатдан ортиқ	 3 мм 2 мм
Рельслар бириккан учларнинг жойлардаги четланишлар тўғри қисмларда эгри қисмларда	3 см дан ортиқ эмас 3 см дан ортиқ эмас + рельсларнинг стандарт қисқа-ришининг ярми
Бириккан учлар орасидаги тирқишларда четланишлар	±2 мм
Шпалларнинг жойлашишида эпюрлардан четланиш; ёғоч темирбетон	 ±4 мм ±2 мм
Шпал остидаги зичланган балласт қатламнинг қалинлигидан четланишлар	+10 см; камайишга йўл қўйилмайди
Профилнинг синиш нуқталари ўртасидаги ораликда йўлнинг бўйланма профилидаги лойиҳавий оғишларнинг ўзгариши	йўл қўйилмайди

Изоҳ: 1 Изнинг кенглиги бўйича 4-жадвалда белгиланган лойиҳавий ўлчашлардан четланишлар, қурилма мавжуд бўлганда равон тезланиш олиш (тезланиш) уларнинг ҳаракат тезликлари,

120 км/с гача - 1 м йўлга 1 мм;

120 км с дан кўп - 1,5 м йўлга 1 мм

бўлганда йўл қўйилади

2. 4-жадвалда белгиланган даражадаги рельсларнинг жойлашишидаги четланишлар 1 м йулга 1 мм ажратишлар мосланган шароитда рухсат этилади.

6 ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ

6.1 Иккинчи йўлларни қуришда қурилиш ва монтаж, бекатлар ва тугунларни ривожлантириш ва қайта қуриш, майдонларни электрлаштириш ва бошқа ҳолларда, улар фойдаланаетган темир йулларда амалга оширилаётганда, ишлар МДҲ давлатларида амал қилаётган «Темир йўллардан техникавий фойдаланиш қоидалари» га мос равишда бажарилиши керак.

6.2 «Дарча»да бажарилаётган иш жойлари поезд диспетчери, бекат бўйича навбатчи, керак ҳолларда эса энергия майдончаси диспетчери (электрлаштирилган майдончаларда) ва мос дистанциялар билан (йўл, сигналлаш, алоқа ва б.) билан доимий ишловчи телефон ёки радиоалоқа билан таъминланиши керак.

6.3 «Дарча»да бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларини бажаришга ҳайдаб ўтиш ҳолларининг ёки йўлларнинг ёпилганлиги ва иш жойларини сигналлар билан тўсилганлиги ҳақидаги поезд диспетчерининг буйруғи олингандан сўнггина йул қуйилади.

6.4 Иш бажариш учун тақдим этилган бекатларга туташ ҳайдаб ўтиш жойларидаги «дарча»ларни, шунингдек бекатнинг бўғзида ва бош йўлларида бекат орқали поездлар ҳаракатини тўхтатмай амалга ошириб бўлмайдиган қурилиш ишларини бажариш учун ҳам ишлатиш керак.

6.5 Иш жойлари иккала томондан кўрилувчи сигналлар билан поездлар ҳаракатининг ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича амалдаги қоидалар ва қўлланмаларга мос равишда тўсилиши керак.

Ишлар тугаганидан сўнг сигналларни ечишга ушбу бўлимнинг 6.8-бандидаги талабларга мос равишда йўлнинг ҳолатини текширгандан сўнг йўл қўйилади.

6.6 Ёмон кўриниш шароитларда (чуқур қазишларда, тик эгриликлар чегарасида ва б.), шунингдек эшитишни ёмонлаштирувчи асбобларни қўллаш билан ишларни бажаришда поезднинг яқинлашаётганини автоматик хабарловчи сигнализация билан таъминланиши керак, шунинг-

дек навбатчи сигналчилар постлари ташкил қилиниши керак

6.7 Бекат йўлларида ҳаракатни ёпмасдан бажариладиган ва тўхташ ёки поезд ҳаракати тезлигини камайтириш сигналини тўсиқларни талаб қиладиган қурилиш монтаж ишларини бажаришга бекат бўйича навбатчининг розилигини олгандан сўнг йўл қўйилади.

6.8 Фойдаланилаётган йўлларда ишлар бажараётган қурилиш ташкилотлари поездлар ҳаракатининг очилиш вазиятига йўл, туташув тармоғи ва бошқа қурилмаларнинг ҳолатини текширишга, иншоотларнинг яқинлашиш ўлчамларига материалларни, конструкцияларни туширишда, машиналарни ўрнатишда риоя қилишга ва йўлни, иншоотлар ва қурилмаларни поездларнинг ҳавфсиз ҳаракатини таъминловчи ҳолатга келтиришга мажбурлар.

6.9 Қурилиш омборларига, конларга ва кириш йўллари ва қурилишга хизмат қилувчи вақтинчалик тармоқлар, одатда, лойиҳада кўрсатилгани бўйича, фойдаланилаётган темир йўл бўйича поездларнинг йўналишидан қатъий назар қурилиш поездларини қабул қилиш ва жўнатишни таъминлаши керак.

6.10 Фойдаланиладиган йўлларни вақтинчалик автойўллар билан кесиб ўтадиган жойларда кираверишларга тўкиш ва тўшамалар ётқизиш билан, огоҳлантирувчи белгилар, кечқурун учун эса, ёруғлик сигналлари билан жиҳозланган ўтиш жойлари ташкил қилиниши керак.

6.11 Одамларнинг оммавий ўтиш жойларида ва иш бажариш жараёнида йўл орқали материалларни ташишда тўшамалар (рельслар белгилари сатҳида) ташкил қилиниши ва сигнал постлари ўрнатилиши керак.

6.12 Фойдаланиладиган йўлларда ишларни бажаришда ишчи йўллардан, ўтиш жойларини ва бошқа вақтинчалик иншоотларни ташкил қилиш шартлари «Ўзбекистон темир йўллари» ТҚДА ёки темир йўл бўлими билан келишилган бўлиши керак.

6.13 Йўлларни ва автоматика, телемеханика, алоқа, электртаъминот, туташув тармоғи, йўл қурилишларини ва

бошқа темир йўл иншоотларини шикастланишига олиб келувчи дарахтларни кесиш, тўнкаларни ковлаш, зовурлар ёки ҳандақларни қазиш, бурғили портлатиш ва бошқа ишлар бўйича ишларни фақат темир йўлнинг мос хизматларини ёки ушбу иншоотлар тасарруфида бўлган ташкилотларнинг масъул вакилларининг назорати остида бажаришга йўл қўйилади.

6.14 Иккинчи йўлларда, икки йўлли уламаларда ёки қайта қурилаётган бекатларда ва тугунларда тупроқли кўтармани тиклаш бўйича ишлар қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда бажарилиши керак:

йўлларда ишлаётган одамларнинг, фойдаланаётган йўл буйича поездлар ҳаракати, машиналар ва механизмларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

тупроқ ишларини бажариш жараёнида фойдаланиладиган йўлларни энг кичик алмаштириш ва қайта уланишларига эришиш;

фойдаланиладиган йўллардан келтириладиган грунтни ташиш учун фойдаланиш.

6.15 Лойли грунтлардан тикланган, баландлиги 2 м дан ортиқ мавжуд тўкманинг нишабидаги иккинчи йўл остида мавжуд тўкмани кенгайтириш учун грунтни тўкишдан олдин кенгайиш томонидан йўлнинг ўқига токчаларнинг қиялиги 0,01-0,02 билан 1-1,5 м кенгликдаги поғоналар кесилиши керак. Дренажловчи грунтлардан тикланган тўкмалар қиялигидан (кенгайиш томонидан) чим олиб ташланиши керак, у бўлмаганда, грунтни 10-15 см чуқурликда юмшатиш керак.

6.16 Иккинчи йўлларни қўшиш учун қояли қазишлар ўлчамларини белгилашда экскаваторнинг иш имконини таъминловчи, мавжуд йўл ўқидан ишланаётган чуқурча раҳининг пастки лабигача энг кичик руҳсат этилган масофани ҳисобга олиш керак.

Чўмичи ҳажми 1 $м^3$ бўлган экскаваторни ишлатганда ушбу масофаларни чуқурча раҳининг эгрилиги 1:0,2 бўлганда 11,7 м, чуқурча раҳининг эгрилиги 1:0,5 да 10,3 м; чўмичи ҳажми 0,65 $м^3$ бўлган экскаваторни ишлатилганда кўрсатилган масофалар мос равишда 9,6 ва 8,5 м га тенг.

6.17 Иккинчи йулларни қуришда бурғилаш-портлатиш ишларини бажариш даврида мавжуд йўлнинг, туташув тармоғининг, электр узатиш ва алоқа йўлларининг, сунъий ва бошқа иншоотларнинг (йўл ва иншоотларнинг ёпмалари, алоқа йўлини кўчириш, кичик диаметрли зарядлар билан портлатиш, йўналтирилган портлатиш ва ҳ.к.) сақланишни таъминловчи махсус тадбирлар кўзда тутилиши, шунингдек, зарур бўлганда, қўшимча ўтиш жойлари ва портлатиш ишлари ўтказиладиган жойларни ёритишни ташкил қилиниши керак.

6.18 Жинсларнинг сочилишини камайтириш ва раҳларнинг бузилишини чеклаш, жинсларнинг етарли даражада парчаланишига эришиш учун иккинчи йўл остидаги чуқурчаларни камайтириш бўйича бурғилаш-портлатиш ишларини бажаришда диаметри 150 мм дан катта бўлмаган қудуқларни, қийин тешиладиган жинсларда-105 мм ва ундан кам, қарама-қарши ва чуқурчанинг ён томонга ёки дала томонга йўналтирилган портлатишини қўллаш керак. Ер қазиш машиналари ишлай оладиган қояли жинсларда портлатишлар билан юмшатишга йўл қўйилмайди.

Иккинчи йул остида қояли чуқурчаларни кенгайтириш фойдаланиладиган йул бўйича поездлар ҳаракати интенсивлиги энг кам даврда, қор босадиган ҳудудларда йилнинг иссиқ вақтида бажарилиши керак.

6.19 Иккинчи йўлларни қуришда ва бекатларни ривожлантиришда (қайта қуришда) буғинйиғгич муассасаларни мавжуд ёки қурилаётган алоҳида манзилларда мавжуд бекат йўллардан фойдаланишнинг имконини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш керак.

6.20 Мавжуд йўлни қумли балластни ташиш ёки бўшатишда фойдаланиш мумкин бўлганда иккинчи йулнинг рельс шпалли панжарасини олдиндан тўкилган қумли ёстиқча ётқизиш зарур.

Мавжуд йўлдан балластни тушириш мавжуд йўл балласт призмасининг нишаб қисмининг қурилаётган иккинчи йўл томонидан қумли балласт билан шағалларнинг ифлосланишини сақлаш учун материаллар билан қоплаш керак.

6.21 Иккинчи йўлни қуришда ёки бекатлардаги тупроқли кўтармани кенгайтиришда гидромеханизацияланган услуб билан ювиладиган хариталар кенглиги камида 10 м бўлиши керак; бунда мавжуд йўл тўкмасининг ўта намланишини олдини олиш учун харитага энг юқори қуюқликдаги қуйқа консистенциясини бериш кўзда тутилиши керак; ҳовуз-тиндиргич энг кичик ўлчамларда ва мавжуд тўкманинг раҳидан 3-4 м масофада бўлиши керак; харитада унинг узунлигининг ҳар 100 м га камида битта қудуқ бўлиши керак.

6.22 Станция ва тармоқларни ривожлантириш (қайта қуриш) бўйича ишларни бажариш станция (тармоқ)нинг ўтказиш ва қайта ишлаш қобилиятини оширувчи алоҳида ҳиёбонлар, йўллар, киришлар ва бошқа қурил-маларни босқичма-босқич ишга тушириш имконини таъминлаши керак.

Станция ва тармоқни қайта қуриш лойиҳасида кўзда тутилган янги ҳиёбонлар ва йўллар қуришни биринчи навбатда янги қурилган йўлларни ишга киритиш ҳисобига мавжуд йўллар ишини қисман камайтириш мақсадида уларни қайта қуришни бажариш керак.

6.23 Станция, тармоқларни ривожлантириш (қайта қуриш) бўйича ишларни бажариш лойиҳалари бўйича белгиланган «Ўзбекистон темир йўллари» ТҚДА билан йўллар ва стрелкали ўзгартиргичларни етқизиш, ажратиш ва қайта етқизишнинг келишилган тартиби ва кетма-кетлиги билан, ишларнинг ҳар бир босқичида бекатдан фойдаланишни амалга оширишнинг зарурий шартларини таъминлаган ҳолда бажариш керак.

6.24 Қурилиш юклари ортилган поездларни қабул қилиш ва жўнатишни таъминлаш мақсадларида қурилиш эҳтиёжлари учун зарур ҳажмлардаги бекат йўлларини ривожлантириш бўйича ишлар ушбу станцияга қўшни ҳайдаб ўтиш ҳойларида иккинчи йўлларни қуриш бўйича ишлардан илгарироқ бажарилиши керак.

6.25 Темир йўлнинг қайта қурилаетган қисмидаги ишларни бажаришнинг кетма-кетлигини аниқлашда майдоннинг ўтказувчанлик қобилиятини чекловчи алоҳида манзилларнинг биринчи навбатда ривожланиши кўзда ту-

тилиши керак; бунда бир вақтнинг ўзида ёнма-ён жойлашган ёки бир неча қўшни станцияларда жойлашган бир номли автоматика, телемеханика ва алоқа қурилмалари бўйича ишларни бажаришга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олиш керак.

6.26. Автоматика ва телемеханика иншоотларини қуриш бўйича ишларни алоҳида киришларда ёки паркларда йўлларни ва стрелкали ўзгартиргичларни лойиҳавий белгиларда ётқизилгандан, йўллар орасини ва кабеллар ўтиш жойларини ортиқча грунт ва бегона тозалагандан, шунингдек полусти қурилмаларини ўрнатиш жойларини режалагандан сўнг бажариш керак.

6.27 Йўллар жуда ривожланган станциялардаги майдонларда тупроқ ишлари икки босқичда амалга ошириш керак:

биринчи босқичда вақтинчалик фойдаланишни таъминловчи ҳажмлардаги ишлар; иккинчи босқичда - лойиҳа (ишга тушириш мажмуи билан) да кўзда тутилган ҳамма қолган ишлар.

Алоҳида ҳиёбонларга, мавжуд станцияларга киришларда ёки яқинлашишларда тупроқ ишларини бажариш йўлларини ётқизиш ва балластирлаш, сунъий ва бошқа иншоотларни қуриш (қайта қуриш) бўйича ишларни бажаришнинг белгиланган босқичлари билан боғланиши керак.

6.28 Темир йўлларни электрлаштириш бўйича ишларни бажаришда туташув тармоғини маҳаллий шароитлардан ва иқтисодий зарурияттан келиб чиқиб "даладан" ёки "йўлдан" ишлайдиган машиналарни қўллаб қуриш керак.

«Йўлдан» ишлашда поездлар ҳаракати жадвалида давомийлиги техник-иқтисодий ҳисоблар асосида белгиланган - ҳайдаб ўтиш жойларида ва станцияларнинг бош йўлларида камида 2 с ва бошқа станция йўлларида камида 4 с «дарчалар» ажратилиши керак.

6.29 Туташув тармоғининг таянчларини ўрнатишнинг йўлнинг юқори тузилишини ва автоматика, телемеханика ва алоқа қурилмаларини қуриш бўйича ишларни бажаргандан сўнг бошлаш керак.

Таянчларни алоҳида ҳайдаб ўтиш жойларини; ҳиёбонларни ва станцияларни туташув тармоғига монтаж қилиш имкониятини берадиган тартибда ўрнатиш керак.

6.30 Станцияларда бажарилиши «дарча»лар ажратилишини талаб қилмайдиган ишлар кетма-кетлиги станция бошлиғи билан келишилган ишларни бажариш лойиҳаси билан аниқлаб, унда қайси бекат йўллари учун ажратилади, вақти ва улардан фойдаланиш давомийлиги кўрсатилган бўлиши керак.

7 КОРХОНАНИНГ КИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШДА ИШЛАР БАЖАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

7.1 Ишлаётган корхоналарда ишчи кириш йўлларини қуриш бўйича ишларни бажаришда мутассади вазирликлар (идоралар) - буюртмачиларнинг темир йўллардан техникавий фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши керак.

7.2 Кириш йўлларини қуриш учун буюртмачи томонидан геодезик режалаш асослари қурилишда геодезик ишлар бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мос равишда амалга оширилиши керак; бунда узунлиги 10 км дан ортиқ ташқи кириш йулларини қуриш учун геодезик режалаш асоси ушбу ҳужжатнинг 2.2-банди талабларига мос равишда тузилади.

7.3 Эгриликнинг оралиқ нуқталарини режалаш эгриликлар радиуси 200 м дан ортиқ бўлганда ҳар 20 м да, эгрилик радиуси кичик бўлганда - ҳар 10 м да бажарилиши керак.

7.4 Қурилиш жараёнида геодезик режалаш ишларини бажаришда бурчакларни ва масофаларни ўлчаш, шунингдек нивелирлаш йўлнинг ва унга қушни бинолар ёки иншоотлар ўқи ҳолатидан бўйлама йўналишда 5 см дан кўп бўлмаган, кўндаланг йўналишда ва баландлик ҳолатида эса 3 см дан кўп бўлмаган четланишларни таъминлайдиган аниқликда бажарилиши керак.

7.5 Кириш йўлларининг тупроқ кўтармаларини тиклагунча йўллар кесиб ўтадиган ҳамма ерости коммуникациялари (ёки кесишиш жойларидаги уларнинг қисмлари), коммуникацияларни ҳимоялаш учун ғилофлар ёки бошқа

қурилмалар ётқизилган, йўлларни қуриш зонасида тик режалаш, сел канализациясини оқизиш ва дренажлар қуриш буйича буйича ишлар тугалланган бўлиши керак.

Ҳаракатни тўхтатмасдан еки қўшимча ҳаракатларсиз, босиш услуби ёки бошқа услуб билан темир йўл кўтармаси остидан қувурларни ётқизиш ҳолида коммуникацияларни ётқизишга кириш йўлларини қургандан сўнг йўл қўйилади.

Агар тупроқли кўтармани тиклаш тик режалаши, дренажлар ва сел канализациясини қуриш буйича ишлар тугатилишидан аввал (бу ишларни бажариш лойиҳасида асосланган бўлиши керак) амалга оширилса, сувни ажратиш вақтинчалик зовурлар, новлар ва ариқлар қуриш йўли билан амалга оширилиши керак.

7.6 Қўшни ҳудудларни режалаш белгилари сатҳида ётқизиладиган йўлларнинг тупроқли кўтармасини совуқ тушгунча ва грунт музлагунча тиклаш лозим.

Қиш вақтида тупроқли кўтармани чуқурлаштирилган ва ярим чуқурлаштирилган балласт қатламда дренажловчи музламайдиган ва қияли грунтларда тиклашга йўл қўйилади.

Балласт қатламдан сувни ажратиш учун дренажларни фақат ёз вақтида қуриш керак.

7.7 Йўлнинг эгри қисмларида изнинг кенглиги эгриликнинг радиусига боғлиқ ҳолда вазирлик (идора) буюртмачининг темир йўллардан техникавий фойдаланиш қоидаларига мос ҳолда, у бўлмаганда, 5-жадвал маълумотларига риоя қилган ҳолда белгиланади.

7.8 Изнинг кенгайишини тарқатиш утказиш эгрилиги оралиғида, у бўлмаганда тўғри қисмда секин: ҳар 1 м йўлга 3 мм дан кўп бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

7.9 Қияликка эга бўлган рельслардан ясси тўшамаларда ётадиган рельсларга ўтиш камида 10 м узунликдаги майдонда аста-секин бўлиши керак.

5-жадвал

Эгрилик радиуси, м	Эгри қисмларда кириш йўлларининг рельс изларининг кенглиги,мм
350 ва ундан кўп	1520 (1524)
349 дан 300 гача	1530 (1530)
299 дан 150 гача	1535 (1540)
149 дан 100 гача	1545 (1545)
99 дан ва ундан кўп	1550 (1550)

Изоҳ Қавсларда тўғри қисмларда из кенглиги 1524 мм бўлган кириш йўллари учун эгри қисмлардаги из кенглиги қийматлари келтирилган

7.10 Рамали рельслар олдидан қистирмаларни ётқизиш заруриятининг олдини олиш учун стрелкали ўтказилган ётқизиладиган рельслар узунлигининг ярми масофасигача йўл бўйлаб кўчиришга руҳсат берилади, бунда стрелкали ўтказгичлар орасидаги тўғри қўшимчалар руҳсат этилганидан кам бўлмаслиги керак, стрелкали ўтказгичларга қўшни майдонлардаги йўллар режаси ўзгаришсиз қолиши керак.

7.11 Йўлни балласт қатламнинг навбатдаги қатламига кўтаришга ётқизилаётган йўл бўйича камида 25 минг т. брутто поезд юкламасини ўтказиш билан текислаб аввалги қатламнинг зичлашдан сўнг руҳсат берилади.

8 ПОЕЗДЛАРНИНГ ИШЧИ ҲАРАКАТИНИ ВА ЙЎЛЛАРДАН ВАҚТИНЧАЛИК ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

8.1 Янги темир йўлнинг қурилиш даврида уни вақтинчалик фойдаланишга киритишдан аввал бош пудратчи қурилиш ташкилоти ушбу ҳужжатнинг 1.2-банди талабларига асосан йўлнинг юқори тузилиши материалларини, мураккаб конструкцияларни, қурилмаларни ва қурилиш юкларини ташиш учун мўлжалланган қурилиш поездларининг ишчи ҳаракатини амалга оширади.

8.2 Тайёрланган тупроқли кўтарма, сунъий иншоотлар, диспетчер, поезд ва станцияларараро алоқаларни таъминловчи миқдордаги симлар сони бўлган алоқа йўллар бўлганда, поездларнинг ишчи ҳаракатига йўл қўйилмайди.

Техник-иқтисодий асослар мавжудлигида тўсиқ иншоотларни вақтинчалик айланиб ўтишларга ёки пасайтирилган (лойиҳага нисбатан) профил бўйича тўкилган тупроқли кўтармаларга ётқизилган йўлар бўйича қурилиш поездлар унинг ҳаракатига йўл қўйилмайди.

8.3 Бош пудратчи поездлар ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш шартларидан ва тупроқ кўтарманинг, сунъий иншоотларнинг ва йўлнинг юқори тузилиш ҳолатидан келиб чиқиб ишчи ҳаракат даврида қурилиш поездларининг ҳаракатланишининг чегаравий тезликларини белгилашга мажбур.

Балласт қатламсиз тупроқли кўтармага ётқизилган рельсли йўл бўйича поездлар ҳаракатланганда, уларнинг ҳаракат тезликлари 10 км соатдан ошмаслиги керак.

8.4 Поездларнинг ишчи ҳаракатини ташкил қилиш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш ва йўлни мос шароитда сақлаш «Ўзбекистон темир йўллари» ТҚДА ёки қўшни темир йўл бўлими ва касаба қўмитаси инспекцияси билан келишилган ҳолда бош пудратчи томонидан тасдиқланган поездларнинг ишчи ҳаракатларини ташкил қилиш бўйича қўлланмаларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

8.5 Йўлни ёки унинг алоҳида қисмларини вақтинчалик фойдаланишга киритиш йўлнинг техникавий тайёргарлигини нафақат қурилиш, балки халқ хўжалиги юкларини, багажларни, почтани ва йўловчиларни ташишни таъминловчи даражага етказилганда амалга оширилади.

8.6 Вақтинчалик фойдаланишга тайёрланадиган йўлнинг техникавий ҳолати қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим:

а) ер полотносини лойиҳа белгиларигача кўтаришда тўкмалар нишабларининг устиворлиги таъминланиши ҳамда сувни олиб кетиш иншоотларини қуриш билан бирга бажарилиши лозим;

б) сунъий иншоотлар ишлатилиши мўлжалланган ҳаракатланувчи транспортни муваққат ишлатиш учун белгиланган тезликларда ўтказишни таъминлаши лозим;

в) бош йўл шпала тагидаги қалинлиги камида 20 см бўлган балласт қатлам устига қўйилиши лозим;

г) алоқа тармоқлари диспетчерлик, поезд, бекатлараро, айрим пунктларда эса, стрелкалараро алоқани таъминловчи симлар сонига эга бўлиши лозим.

8.7 Темир йўлни муваққат ишлатишга жорий қилишга техникавий тайёрлигини «Ўзбектрансқурилиш» ва «Ўзбекистон темир йўллари» ТҚДА тайинлаган ҳайъат аниқлайди. Темир йўлнинг муваққат ишлатишга киритишга тайёрлиги ҳақида иловага кўра йўлнинг техникавий тайёрлиги ҳақида далолатнома тузилиши лозим.

8.8 Темир йўлнинг мажмуий иншоотлари ва улардан муваққат фойдаланиш учун уларнинг техникавий тайёрлиги йўл лойиҳасида белгиланиши лозим.

Темир йўлдан муваққат фойдаланишда қоидага кўра, лойиҳада кўзда тутилган доимий бинолар, иншоотлар ва қурилмалардан фойдаланиш лозим. Темир йулдан муваққат бинолар ва иншоотлар қуришга тегишлича асосланган тақдирдагина истисно ҳолларда рухсат берилади.

8.9 Корхоналар темир йўллари кирув йўлларидан муваққат фойдаланишга тегишли асослашлар мавжудлигидагина фавқулодда ҳолларда рухсат берилади.

Кўрсатилган йўлларни муваққат ишлатишга киритиш қурилаётган корхонанинг йўлларини ишлатиш топширилган ташкилотнинг қурилиш ташкилоти, «Ўзбекистон темир йўллари» ТҚДА ёки ёндош темир йўл бўлими ва касаба уюшмасининг техникавий инспекцияси билан келишилган қарори асосида амалга оширилади.

8.10 Муваққат ишлатишга мулжалланган корхоналарнинг кирув йўллари техникавий тайёрлиги ҳаракатчан поезднинг белгиланган тезлик ва юклама билан ҳавфсиз ҳаракатини таъминлаши лозим; йуллар қалинлиги камида (шпала остида) 15 см қалинликдаги балласт билан кўтарилиши, балласт призма меъёрий кенгликда кўмилиши

ҳамда қутиларни камида 0,5 балласт қалинлигича балласт билан тўлдирилиши лозим.

8.11 Доимий ишлатувга янгидан қурилган ёки қайта қурилган темир йўлларни, иккинчи йўлларни, тугунларни, станцияларни, электрлаштирилган қисмларни, темир йўллардаги бинолар ва иншоотларни, шунингдек саноат корхоналарининг қабулини қурилиши меъерлари ҳамда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларига, шунингдек қурилиш тугалланган темир йўл транспорти объектларини (қурилишларини) мавжуд қабул қоидаларига кўра амалга ошириш лозим. Сув таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, энергия таъминотини ва канализацияни фойдаланишга қабул қилишни тегишли қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига биноан бажарилади.

8.12 Доимий ишлатишга топшириладиган темир йўлларнинг ҳар километрини меъёрларга мос тарзда йўлнинг уст қурилиш материаллари заҳираси билан таъминлаш лозим.

8.13 Иншоотларнинг устиворлиги ва пойдеворлар грунтларининг температура мароми устидан қурилиш даврида ва йўлни муваққат ишлатишда ишлатиладиган қурилмалар улар хизмат курсатадиган объектларни доимий ишлатишга топшириш билан бир вақтда топширилади.

Илова

ТЕМИР ЙЎЛНИ МУВАҚҚАТ ИШЛАТИШГА КИРИТИШГА ТЕХНИКАВИЙ ТАЙЁРЛИГИ ДАЛОЛАТНОМАСИНИНГ МАЗМУНИ

1. Тупроқ кўтармасининг ва сунъий иншоотларнинг, бош йўлда муваққат шаклли айланиб ўтиш жойларининг, уларнинг қиялиги ва эгрилик радиуси кўрсатилган ҳолда, техникавий ҳолати ҳақида маълумотлар.

2. Йўлнинг уст тузилиши (рельслар тури, йўлнинг 1 км даги шпалалар сони, шпалдаги қозиқлар ва чок уланмалардаги болтлар сони, шпала остидаги балласт қатлам қалинлиги) ҳолати ҳақидаги, шунингдек бош йўллардан йўлулчагичнинг ёки улчагич араванинг охирги ўтиши бўйича маълумотлар.

Йул белгиларининг мавжудлиги ва техникавий ҳолати ҳамда участкаларнинг қордан ҳимоя воситалар билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар.

3. Таъмирлаш пунктларини ва ҳаракатчан поездларни назорат қилиш, ёқилғи заҳираларининг, сув таъминоти пунктларининг ва уларнинг тавсифномаларининг муваққат ишлатиш учун мавжудлиги ва техникавий тайёрлиги ҳақидаги маълумотлар.

4. Станция йўлларининг ва улардаги қурилмаларнинг тузилмалари илова қилинган ҳолда бўлиниш пунктларининг техникавий тайёрлиги ҳақидаги маълумотлар.

5. Алоқа қурилмаларининг, поездлар ҳаракати пайтидаги ҳабар узатиш усуллари семафорларнинг мавжудлиги, огоҳлантирув дисклари ва бошқа сигналлар ҳолати ҳақидаги маълумотлар.

6. Йўлни муваққат ишлатувчи ҳодимлар учун турар-жой ва маданий-маиший хоналарнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

7. Темир йўлни ёки унинг айрим участкасини муваққат ишлатишга қабул қилиш имкони ҳақида хулосалар.

МУНДАРИЖА

1 УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР 1
2 ТАЙЁРГАРЛИК ДАВРИНИНГ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ 3
3 ТУПРОҚ КЎТАРМАНИ ТИКЛАШ 8
4 ЙЎЛНИНГ ЮҚОРИ ТУЗИЛИШИНИ ҚУРИШ 23
5 АВТОМАТИКА, ТЕЛЕМЕХАНИКА ВА АЛОҚАНИНГ ТУЗИЛИШИ 33
6 ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ 36
7 КОРХОНАНИНГ КИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШДА ИШЛАР БАЖАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ... 42
8 ПОЕЗДЛАРНИНГ ИШЧИ ҲАРАКАТИНИ ВА ЙЎЛЛАРДАН ВАҚТИНЧАЛИК ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 44
Илова ТЕМИР ЙЎЛНИ МУВАҚҚАТ ИШЛАТИШҒА КИРИТИШГА ТЕХНИКАВИЙ ТАЙЁРЛИГИ ДАЛОЛАТНОМАСИНИНГ МАЗМУНИ 48

Таклиф ва мулоҳазаларингизни
Ўзбекистон Республикаси Даварҳитектқурилишқўмига
юборишингизни сўраймиз
(700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6).

Нашрга «АҚАТМ» АТМ томонидан тайёрланган.